

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 94 (575.1)
Қўлёзма ҳуқуқида

ИСЛАМОВ КАМОЛ ТАШҚУЛОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲУКУМАТИНИ ИҚТИСОДИЙ ВА
МАЪНАВИЙ СИЁСАТИ (СУРХОН ВОҲАСИ МИСОЛИДА 1917-1940
ЙИЛЛАР)

5А 220201 - Ўзбекистон тарихи мутахассислиги бўйича магистр-
академик даражасини олиш учун тақдим этилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш қўрилди ва ҳимояга
рухсат берилди.
Магистратура бўлими
бошлиғи: проф. Э.Тўраев

Илмий рахбар: т.ф.д. проф. С.Н.Турсунов

Термиз-2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-15
1.БОБ. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг иқтисодий сиёсати асосларнинг юзага келиш жараёнлари; таҳлиллар ва натижалар.....	16
1.1.Совет ҳокимиятини саноат соҳасидаги сиёсатининг моҳияти ва мазмуни.....	16-33
1.2.Совет ҳукуматининг аграр соҳадаги сиёсати ва унинг натижа ҳамда оқибатлари.....	34-39
2.БОБ. Маданий-маънавий муассасаларнинг совет тузumi маънавий қуролига айлантирилиши.....	40
2.1. Маданий-маърифий муассасаларнинг совет ҳукмронлиги йиллари давридаги фаолияти.	40-47
2.2.Совет ҳокимиятининг маънавий-маърифий соҳадаги сиёсати ва унинг оқибатлари.....	48-59
ХУЛОСА	60-63
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	64-75

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистонда янги демократик фуқаролик жамияти барпо этилиши билан бир вақтда, тарих фани олдида ўтмишдаги тарихий воқелик ва жараёнларни илмий жиҳатдан, ҳолисона баён этиш имконияти юзага келди.

"Халқнинг маънавияти ва маданияти, - дея таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда хал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир"¹. Дарҳақиқат, мустақиллик даврида Ўзбекистонда содир бўлаётган маънавий-ахлоқий янгиланиш ўзбек халқининг тарихий хотирасини қайта тиклаш асосида юз бермоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси кўп жиҳатдан иқтисодий ва маданий – маънавий соҳа янгиланишлари билан бевосита боғлиқ. Шахс камолоти ривожига ва марказида "маънавият, ахлоқ, одоб, маърифат" каби ўлмас қадриятлар туриши лозимлиги ХХI аср Ўзбекистон истиқболининг устувор йўналишларидан бири сифатида тан олинганлиги ҳолати ҳам бежиз эмас".

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг ҳозирги босқичида Ватан тарихини барча даврларини таҳлил этиш. уларни янги назарий-методологик асосда баён қилиш, ҳолис хулосалар чиқариш — тарих фанининг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда. Шунингдек, 1917-1940 йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ва маданий маданиятнинг умумий аҳоли ва унинг муаммоларини Сурхон воҳаси мисолида илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳам юқорида саналган вазифалар қаторига киради.

Ўзбекистоннинг совет ҳукмронлиги давридаги иқтисодий ва маданий - маънавий ҳаётини ўрганишнинг долзарблиги Президент Ислам Каримовнинг 1996 йил 18 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида "Ўзбекистоннинг янги тарихи марказини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрдаги қарорида ҳам алоҳида қайд этилди.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3 Тошкент: Ўзбекистон. 1996. Б.27.

Шунингдек, И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ етакчи тарихчи олимлар ва ижодий зиёлилар вакиллари билан учрашувида¹, Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини Каримов И. "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида ҳам совет мустабид тузуми вақтидаги маданий ҳаётни ҳар томонлама ўрганиш лозимлиги таъкидланди².

Маълумки, совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий тараққиётнинг барча жараёнларида коммунистик партия мафкураси ҳукмронлиги таъминланиб "буюк давлатчилик" сиёсати жорий қилиб борилди. Ушбу сиёсат иқтисодий ва маданий – маънавий ва халқ таълими тизими, адабий-бадний муҳит, миллий санъат масалалари ва маданий-оқартув муассасалар тизимида ҳам тўла ўз аксини топди.

Иқтисодий ва маданий - маънавий соҳа тарихини Сурхон воҳаси мисолида комплекс тарзда, ҳолисона тарзда илмий жиҳатдан таҳлил этишни талаб қилаётган омиллар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, иқтисодий ва маданий - маънавий соҳага, асосан, мафкуравий таъсир ўтказишнинг муҳим воситаси деб қаралган маъмурий буйруқбозлик тузуми шароитида саноат, қишлоқ хужалиги, савдо-сотиқ, халқ маорифи, миллий кадрлар тайёрлаш, адабий-бадний муҳит, маданий-оқартув муассасалари ва миллий кадриятлар масаласида жиддий таназзул юз берди. Чунки совет ҳукмронлиги даврида иқтисодий жараёнлар Марказ манфаатларига мослаштирилиб, пахта якка ҳокимлиги ниҳоятда кўчайиб, халқ таълими миллий анъаналардан узоқлаштирилиб, маҳаллий таълим-тарбия тажрибасидан фойдаланилди. Ўқувчи ёшларнинг маънавиятини шакллантириш вазифаси эътибордан четда қолдирилди. Таълим тизимида миллий ғояларнинг инкор этилганлиги, тарбия муассасаларида хур фикрлилик ва эркинликнинг мавжуд бўлмаганлиги оқибатида таълим-тарбия самарадорлиги даражаси пасайиб борди. Маданият соҳаси, жумладан, халқ

¹ Халқ сўзи. 1996, 19-сентябр, 1996. 17-декабр.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., Шарқ. 1998.

таълими, маданий-оқартув муассасаларининг бир ёқлама ривожлантирилиши, режалаштиришдаги нуқсонлар, бошқарув ва хўжалик юритишдаги маъмурий-мафкуравий усуллар ҳамда маданий муассасалар ишини ўзбек халқи миллий хусусиятларига ёт бўлган ғоялар асосида ташкил этилиши, Ўзбекистонда, шу жумладан унинг Сурхон воҳасида иқтисодий ва маданий соҳасининг ривожига тўсқинлик қилди.

Иккинчидан, тадқиқ қилинаётган даврда иқтисодий ва маданий - маънавий ҳамда ҳукмрон коммунистик партия "шаклан миллий, мазмунан социалистик" деб аталмиш, "байналмилал" қобиғидаги маданият ва адабиётни тарғиб этиб, ёшларни шу руҳда тарбиялашга асосий эътиборни қаратди.

Учинчидан, маъмурий буйруқбозликка қарамасдан иқтисодий ва маданий - маънавий ва Ўзбек миллий маданияти маълум даражада ривожланиб борди. Урф-одат ва анъаналар мафкуравий тўсиқ ва тазйиқларга қарамай яшашда давом этди.

Тўртинчидан, ҳозирги иқтисодий ва маданий – маънавий соҳада маънавий покланиш содир бўлаётган даврда совет ҳукмронлиги йилларида иқтисодий ва маданий - маънавий ҳамда маданий-маънавий соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўрганиш, улардан келажак учун керакли хулосалар чиқариш шу куннинг талаби бўлиб, бу мавзунинг долзарблигини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, 1917-1940 йиллар даврий чегарасида Сурхон воҳасида кечган иқтисодий ва маданий соҳадаги жараёнлар масаласи ҳали тарих фанида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган ва бу ўз навбатида мавзунинг долзарблик жиҳатини яна бир қарра тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Мазкур магистрлик диссертациянинг даврий чегараси Сурхон воҳаси мисолида 1917-1940 йилларни қамраб олади. Ўзбекистон тарихининг мазкур қисми мамлакатда иқтисодий- ижтимоий ва маданий жараёнларнинг мураккаб ва зиддиятли тарзда кечиши билан характерли бўлиб, совет тузуми ҳукмронлигининг ўзбек миллий маданиятига нисбатан салбий таъсир кўрсатган босқичларидан биридир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Танланган мавзунинг тарихшунослиги тахлили шуни кўрсатадики, иқтисодий ва маданий - маънавий

соҳа жамият ҳаётининг асосий бўғини сифатида ижтимоий-гуманитар соҳа олимларининг доимий диққат марказида турган ва мазкур тармоқ муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган.

Тадқиқот мавзусига доир чоп этилган илмий ишлар, монография, рисола ва матбуотда эълон қилинган мақолаларнинг йўналиши, баён қилиш услуби ва характериға қараб шартли равишда икки гуруҳға ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳға — совет ҳукмронлиги даврида нашр этилган илмий адабиёт, рисола, тадқиқотлар киради.

Иккинчи гуруҳға — мустақиллик йилларида чоп этилган ишлар адабиёт, мақола ва олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари киради.

Биринчи гуруҳға киритилган илмий тадқиқот ишлари ва адабиётлар сираси, асосан, маъмурий-буйруқбозлик шароитида, марксистик методологияга таянган ҳолда коммунистик партия мафкурасини тарғиб этганлиги билан характерланади. Совет ҳукмронлиги йилларида чоп этилган мавзуга доир адабиётларнинг аксариятида маданий соҳа масаласи, айниқса унинг самарадорлигини аниқлаш мезонлари мафкуравий асосда белгиланди. Бу ҳолни 1950-1960 йилларида нашр этилган қатор адабиёт ва тадқиқотларда кўриш мумкин¹. Аммо, уларнинг асарларида фойдаланилган бой материаллар ва архив хужжатларидаги маълумотлар замонавий илмий тадқиқотлар учун қимматли материалларни беради.

Ўзбекистон иқтисодий ва маданий - маънавий соҳасидаги жараёнлар ва унинг тарихини илмий жиҳатдан ўрганиб таҳлил этиш айинқса, XX асрнинг 1960-1980 йиллар давомида фаоллашди. Бу даврда Т.М.Қориниёзон, М.Корахонов, Г.А.Уваров, Г.Алимбаева, М.Ахмедов, И.Кодиров, Х.Н.Пўлатов, С.Шермухаммедов, С.Мухаммедов, Р. Шарафуддинов, М.Султонова, К.Окилов, Ф.Караматов, К.Бўронов, Ф.Абдуллаев, М.Саидов, Х.Аслетдинова, М.Вахобов,

¹ Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар -Т : Қизил Ўзбекистон. 1951. Қорахонов М. Совет Ўзбекистон маданияти. Т., Ўздавнашр. 1951. -б 42. Уваров Г.Л. Узбекский драматургический театр. Очерк истории -М : Наука, 1959. Алимбаева Г. Ахмедов М. Народные музыканты Узбекистана. -Т.: Гослитиздат, 1959, Кодиров И. Ўзбекистон ССРда халқ маорифининг муваффақиятлари. -Т. Ўздавнашр, 1959; Пўлатов Х. П. Культурно-воспитательная деятельность Советского государства в Узбекистане. - Т.: Госиздат. 1959, Вахобов М. Ўзбек социалистик миллати. -Т.: Ўзбекистон. 1960; Мухаммедов С. Культура Советского Узбекистана -Т.: ТашГУ, 1985, Шарафуддинов Р. Школьное образование в Узбекской ССР (1917-1955). -Т : Госиздат УзССР, 1961; Султонова М. Ўзбек совет адаблари. -Т., Ўздавнашр, 1963; Музыкальная фольклористка Узбекистана. -Т., Госиздат, 1963;

А.Юнусхўжаевлар ва бошқаларнинг бир қатор асарларида иқтисодий ва маданий - маънавий маданият, халқ, жамият, мафкура ва маънавий омилларнинг ижтимоий ҳаёт билан уйғунлиги марксистик ҳукмрон мафкура, сиёсий ақидалар нуқтаи-назаридан таҳлил этилган. Шунингдек, ушбу адабиётларда КПССнинг иқтисодий ва маданий - ўзора яқинлашуви ҳамда "ягона совет халқи" шаклланиши хусусидаги назария, ушбу масаланинг ўзига хос "диалектикаси", миллий маданиятларнинг ривожлантирилиши миллатчилик билан боғлиқ эканлиги. маданиятнинг "советларга хос" тарзда шаклланиши каби масалалар қайд этилган. Лекин, шу билан бирга юқоридаги номи зикр этилган адабиётлардаги иқтисодий ва маданий - маънавий маданий меросга муносабат, маънавий омил, маданиятнинг инсоният тараққиётидаги ўрни хусусидаги масалалари эътиборга молик бўлиб, қисман ижобий хулосаларга эга¹.

Совет даврида нашр этилган адабиёт ва тадқиқотларда Сурхон воҳасидаги иқтисодий ва маданий - маънавий маданий ҳаёт, таълим-тарбия, маданий маърифий муассасалар фаолияти маълум даражада ўз аксини топган. Бу ишлар сирасига шу даврда нашр этилган А.Қаххоров, Т.Рашидова, О.Эшқувватов, С.Шермухаммедов, М.Искандаров, Н.Ўлжабоева, Х.Холиёров, Д.Д.Бичков, А.И.Блинников, С.М.Захаров, И.Ҳикматов, А.Собиржоновларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин².

¹ Караматов Ф. Ўзбек мусикаси совет даврида. –Т., Ўқитувчи, 1967; Абдуллаев Ф. Ўзбекистонда хотин-қизлар таълимининг ривожланиши –Т., Ўзбекистон, 1968; Саидов М. Ўзбек халқ дostonчилигида бadiий махорат масалалари –Т., Фан. 1969; Валиев А. Советская национальная интеллегенция и её социальная роль. –Т., Фан, 1969; Аслетдинова Х. Культпросветучреждения и коммунистическое воспитания. –Т., Узбекистан. 1969; Юнусходжаев А.А. Деятельность Компартии Узбекистана по коммунистическому воспитанию школьной молодежи (1958-1965 гг). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук –Т., 1969; Пўлатов Х.П. Коммунизм, государство, культура, личность –Т., 1971; Каримов Р.А. Руководство Компартии Узбекстана развитием культуры в республике. –Т.: Госиздат. 1971; Бердиев Ш. Тохиров Ш. Клуб тарбия маскани. –Т., Ўзбекистон. 1970; Окилов К.А Ленин и культурная революция в Узбекистана. –Т., Ўзбекистон, 1972; Буронов К.Б. Диалектика развития социалистической культуры –Т., Узбекистан. 1971. Шарипов Ф. Народное образование в Узбекистане. –Т., Узбекистан, 1977; Абдурахмонов Г. Высшая школа Советского Узбекистана –Т., Узбекистан. 1977; Аллаберганова Х. Народное образование на подъёме –Т., Узбекистан. 1978. Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. –Т., Ўзбекистон. 1979, Шермухаммедов С.Ш. Некоторые вопросы теории и практики развития социалистической культуры. –Т., ТГПИ, 1984; Рўзметов А. Клуб муассасалари ва қишлоқ аҳолисига маданий хизмат кўрсатиш. –Т., Ўзбекистон, 1980. Юнусов Н. Халқ маорифининг нурли йўли. –Т., Ўзбекистон. 1980; Косимова А История библиотечного дела в Узбекистане. –Т., Узбекистан. 1981. Баракаев Д.Б. Развитие культуры Узбекистана за годы Советской власти. –Т., Узбекистане 1984; Усмонов К. Руководство Компартий Узбекистана подготовкой и воспитанием кадров интеллегенции. –Т., Фан, 1985. Мухаммедов Р. Развитие национального образование в Узбекистане. –Т., Узбекистан. 1985; Мухаммедов А. Педагогика культурнопросветительной работы –Т., ТашГУ. 1985; Йўлдошева С.Х. Ўзбекистонда музика тарбияси ва таълимининг ривожланиши. –Т.; Ўқитувчи, 1985; Содиқов С.С. Ўзбекистонда олий таълимнинг ривожланиши. –Т., Ўзбекистон. 1986. Бурмистрова Т.Ю., Дмитриев О.Л. Дружбой сточенные культура межнационального общения СССР. –М., 1986 ва бошқалар.

² Эшқувватов История развития социалистических городов Карши и Шахрисабза (1925-1965 гг) Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. –Т , 1970; Шермухаммедов С. Рассвет и сближение национальных культур народов СССР. Автореф.

О.Эшқувватовнинг тадқиқотида 1925-1965 йилларда Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихи баён этилган бўлса, Н.Қ.Ўлжабоевнинг тадқиқотида 1946-1970 йилларда компартия сиёсатининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятининг маориф тизимида амалга оширилишини ҳукмрон мафкурага хос тарзда ёритишга ҳаракат қилинган.

Н.Ачиловнинг тадқиқотларида 1946-1958 йилларда Сурхондарё вилоятининг иқтисодий ва маданий - маънавий маданият қурилишига бағишланган бўлиб, унда зикр этилган йиллардаги бу соҳадаги жараёнлар ижобий тарзда талқин қилинади. Ишда келтирилган далиллардан танқидий равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ¹.

Т.Рашидованинг илмий иши тадқиқ этилаётган мавзуга бевосита алоқадор бўлиб, унда 1952-1965 йилларда Сурхондарё вилоятида иқтисодий ва маданий - маънавий ҳамда халқ таълими, кадрлар тайёрлаш, матбуот ҳақида ўша давр талаблари асосидаги фикрлар баён этилади².

Х.Холиёров, Д.Д.Бичков, А.И.Блинниковларнинг "Сурхандарьинская область" маълумотнома китобида Сурхондарёда коммунистик партия раҳбарлигида иқтисодий ва маданий - маънавий таълим тизими, педагогик кадрлар тайёрлаш, фан ва маданиятнинг ривожланиши бўртириб баён этилади³.

Иккинчи гуруҳга - мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг совет ҳукмронлиги давридаги иқтисодий ва маданий - маънавий маданий ҳаётига бағишлаб ёзилган асарлар, амалга оширилган илмий изланиш ва тадқиқотлар киради. Мустақиллик йилларида Ўзбек тарихшунослиги янги услубий тамойиллар ҳамда янги сифат даражасига кўтарилган асарлар билан бойитиб борилди, Ушбу давр муаллифлари иқтисодий ва маданий - маънавий маданий қурилиш тарихига бир томонлама ёндашув услубиятидан воз кечиб, умуминсоний қадриятлар ва миллий манфаатлар нуқтаи назардан туриб маданий-маърифий соҳа тарихининг

Дисс. Докт филос. Наук. Т., 1973; Искандаров М. Идеологическая работа компартии Узбекистана в период развитого социализма (1959-1970 гг.). Автореф. Дисс...док. Ист.наук. -Т.; 1973; Улжабоева Н.К. Развитие народного образования в Узбекистане в период 1946-1970 гг. (на материалах Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т, 1974;

¹ Ачилов Н. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1946-1958). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т, 1974;

² Рашидова Т. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1959-1965). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т, 1973;

³ Халияров Х., Бычков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. -Т., Узбекистан, 1974.

турли даврлари ва йўналишларини ўз ичига олган тадқиқотларни амалга оширмоқдалар.

А.Маврулов, Т.Н.Нажимов, М.Н.Нишонов, С.Мирзаев, С.Шерму-хамедов, Т.Махмудов, М.Х.Нурмухамедова, У.Х. Қорабаев, О.Ахматжонов, К.Эргашев, Х.Ҳамидов. Ю.Эргашева, Д.Алимова, А.Голованов, М.Ҳамзаева. В.Т.Ражапов ва бошқаларнинг тадқиқотларини юқорида таъкидланган илмий изланишлар қаторига қўшиш мумкин¹.

Мустақиллик йилларида чоп этилган ишларда Ўзбекистоннинг совет ҳукмронлиги йилларидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти тарихи асосан тегишли даражада акс этган. Бироқ мазкур тадқиқотларда республика жанубий вилоятларининг иқтисодий ва маданий - маънавий маданий ҳаёти тарихини ўрганиш мақсад қилиб қўйилмасдан, унга доир маълумотлар умумий тарзда баён қилинган.

Шунингдек, мустақиллик йилларида бир қатор жамиятшунос олимлар Сурхон воҳасида иқтисодий ва маданий – маънавий соҳани совет ҳокимияти йиллардаги ҳолатига доир тадқиқотлар олиб бордилар. Бундай нашрларга Т.Сувонов, Р.Сафаров, М.Фармонов, П.Н.Рустамов, Н.Сариқов, М.Бобожонов, Ч.Жўраев, Д.Ҳақназаров. Г.Ғафуров, И.Шоймардонов, Э.Қобилов, Ж.Тўхлиев, Б.Йўлдошев, А.Тўхтаев, З.Даминова, Э.Эргашев, М.Азимов, С.Турсунов, М.Саидов ва бошқаларнинг бир қатор чоп этилган ишларини киритиш мумкин.

Мазкур адабиётларда Сурхон воҳасининг республика халқ хўжалигидаги ўрни, барпо этилган хўжаликлар, аҳоли этник таркиби, урф-одат, халқ таълими муассасалари ташкил этилиши каби китобхонлар оммасига мўлжалланган маълумотлар берилган. Бу танланган мавзуга доир илмий тадқиқот ишлари ёки

¹ Маврулов А. Ўзбекистана на современном этапе. –Т., 1992; Нажимов Т.Н. Народные традиции и культура. –Т., 1992. Нашанов М.Н. Обловление духовной жизни нации. –Т., 1992; Мирзаев С., Шермухаммедов С. История Современной узбекской литературы. –Т., 1993. Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. –Т., 1993; Нурмухамедова М.Х. Культура села проблемы и суждения. –Т., 1993; Карабаев У.Х. Традиционная народная культура тенденции возрождения и развития. Автореф. Дисс.... Докт. Фил.наук. –Т., 1993; Ахмаджонов О. Изменения в литературной и культурной жизни трудящихся села Узбекистана в 70-е годы. Автореф. дисс. ... канд.ист.наук. Андижон, 1994; Эргашев К. Развитие общеобразовательной школы в Узбекистане 70-80 гг; проблемы и тенденции. Автореф. дисс. ... докт.ист. наук. -Т , 1996; Ҳамидов Х. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. –Т., 1996. Эргашева Ю. Культура Узбекистана: тенденции и проблемы развития. –Т., 1997; Алимова Д. Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари. (1917-1990 йй). –Т., 2000; Ҳамзаева М.К. Ўзбекистон миллий маданиятининг ривожланиш йўналишлари ва муаммолари (40-50 йй). Тарих фан.ном.дисс... автореф. –Т., 2001; В.Т.Ражабов. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда маданият соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар. Тарих фан.ном.дисс... автореф. –Т., 2006.

монографиялар чоп этилмаган.

М.Азимовнинг "Термиз тарихи" номли монографиясида Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлардан бири - Термизнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, таназзули ва бугунги кундаги ҳаёти хусусида фикр билдирилади. Асарда Термиз шаҳрида яшаб, ижод қилган олим ва шоирлар, шайх ва ҳукмдорлар ва бошқа таниқли тарихий шахслар ҳаётига тааллуқли маълумотлар берилган. Ушбу асар мамлакат жанубидаги қадим шаҳар тарихини чуқур ўрганишга ёрдам беради¹.

"Термиз" номли китобнинг совет даврига бағишланган қисмида Термизнинг совет тузуми давридаги маданий тараққиёти мустақиллик мафкураси ғояси талаблари асосида баён этилган².

С.Турсунов ва бошқаларнинг "Сурхондарё тарихи" китобининг VI бўлимида Сурхондарёнинг совет ҳукмронлиги давридаги иқтисодий ва маданий - маънавий маданий ҳаёт тарихига оид бир қатор маълумотлар мавжуд³.

Юқорида келтирилган адабиётларнинг таҳлили, жанубий вилоятларнинг совет ҳукмронлиги давридаги иқтисодий ва маданий - маънавий маданий ҳаёти алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида танланиб, ўрганилмаганлигини тасдиқлайди. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида совет даври тарихига бағишланган фундаментал асарларда ҳам маданий ҳаёт тарихи умумий тарзда баён этилган⁴.

Совет даврида иқтисодий ва маданий - маънавий маданий ҳаёт тарихига оид тараққиётлар ичида А.А.Мавруловнинг тадқиқотини алоҳида таъкидлаш лозим⁵. Унинг "Культура Узбекистана на современном этапе: общее состояние. Проблемы Тенденции развития (середине 70-х - 1990 гг.)" мавзудаги докторлик диссертацияси совет давлатида амалга оширилган тадбирларни, маънавий кадриятларга муносабат, маданий ҳаётдаги жараёнларни тадқиқ этади. Шунингдек Р.Б.Сиддиқов, Ж.Абдурахмонова, Х.Холмўминовларнинг номзодлик диссертациялари ҳам Сурхон воҳасининг совет ҳокимияти йилларидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига бағишланган. Хусусан, Ж.Абдурахмонова

¹ Азимов М. Термиз тарихи. (Энг қадимги даврдан XX1 аср бошигача). –Насаф. 2001. –Б. 152.

² Термиз. –Т., Шарқ. 2001.

³ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

⁴ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т., Шарқ, 2000. – Б.569-586

⁵ Маврулов А.А. Культура Узбекистана на современном этапе: общее состояние. Проблемы Тенденции развития (середине 70-х - 1990 гг.) Автореф. дисс. ... докт.ист. наук. -Т , 1993.

совет ҳокимиятининг таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсатини Ўзбекистон жанубий вилоятлари мисолида тадқиқ этади. Х.Холмўминовнинг "Ўзбекистонда совет мустамлакачилик сиёсатининг миграцион жараёнларга таъсири. (Жанубий вилоятлар мисолида. 1946-1990 йиллар мавзусини илмий тадқиқот доирасида таҳлил этади. М.К.Ҳамзаева "Ўзбекистон миллий маданиятининг ривожланиш йўналишлари ва муаммолари" мавзусидаги диссертацияси XX аср 40-йилларнинг иккинчи ярми 50-йилларнинг биринчи ярмида миллий иқтисодий ва маданий - маънавий маданиятга совет давлатининг муносабатини Фарғона водийси мисолида тадқиқ этади. Муаллиф ўша йилларда водий иқтисодий ва маданий - маънавий маданиятининг ўзига хос хусусиятлари. маориф тизимидаги, адабиёт ва санъатдаги ахволни Фарғона водийси вилоятларининг материаллари асосида тадқиқ этади¹. Мавзунинг илмий ва амалий аҳамияти, унинг долзарблиги, шунингдек. яхлит тарзда ўрганилмаганлиги "Ўзбекистонда маданий ҳаёт: тажриба ва муаммолар (Жанубий вилоятлар мисолида (1946-1985 йй.))" соҳасини тадқиқот мавзуи сифатида танланишига имкон беради.

Магистрлик диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Термиз Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасидан ўрин олган.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Магистрлик диссертация мавзуси ва қўйилган масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, тадқиқотнинг мақсади — архив ҳужжатлари, илмий тадқиқотлар, адабиётларга таяниб, 1917-1940 йилларда Сурхон воҳасининг иқтисодий ва маданий - маънавий маданият соҳаси йўналишларида амалга оширилган ишлар тажрибаси, муаммолар ва уларни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаб, натижаларини умумлаштириб, келгусида маданий-маърифий соҳа ишини такомиллаштиришга хизмат қиладиган хулосалар чиқаришдан иборат.

Мақсадга мувофиқ тадқиқотнинг вазифалари қуйидагича тарзда белгиланди:

¹ Сиддиқов Р.Б. Среднеспециальное профессиональное образование Узбекистана в период советского тоталитаризма и в годы независимости (1945-2001 гг). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т., 2002; Абдурахмонова Ж.Н. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатағонлик сиёсати (Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари мисолида 1925-1941 йй.). Тарих фан.ном.дисс...автореф. -Т., 2002. -Б.30.; Холмўминов Х.Э.Ўзбекистонда совет мустамлакачилиги сиёсатининг миграцион жараёнларга таъсири (жанубий вилоятлар мисолида (1946-1990 йй). Тарих фан.ном.дисс...автореф. -Т., 2007. -Б.30.;

- Иқтисодий ва маданий - маънавий соҳа ривожининг назарий-методологик ва ижтимоий-иқтисодий асосларини ўрганиш ва унинг жамият ривожигаги ўрнини таърифлаш;

- Миллий урф-одат, анъана ва динин кадриятларнинг советлар ҳукмронлиги йилларида Сурхон воҳасининг аҳолини кўрсатиш ва таҳлил этиш;

- Иқтисодий ва маданий - маънавий кадриятларнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган ва Сурхон воҳасида ривожланган бахшичилик, халқ оғзаки ижоди санъати намоёндалари фаолиятини Сурхондарё вилояти дostonчилик мактаблари мисолида таҳлил қилиш;

- Совет ҳукуматининг миллий адабиёт ва санъатни чеклаши ҳамда "шаклан миллий, мазмунан социалистик" маданиятнинг сиёсий мафкуравий жиҳатдан моҳиятини очиб бериш;

- Халқ маорифи тизими фаолиятини ҳолисона умумлаштириб, соҳа муаммоларининг вужудга келиш сабабларини ва унинг оқибатларини илмий таҳлил қилиш;

Таълим тизимини ташкил этиш ва белгилашда миллий хусусиятлар ҳисобга олинмаганлигини кўрсатиб бериш;

Иқтисодий ва маданий - маънавий муассасалар фаолиятининг концептуал-методологик нуқтаи-назардан чекланганлигини таҳлил этиш;

Ўрганилган материаллар таҳлили натижасида чиқарилган хулосалар ва таклифлардан мустақиллик шароитида Ўзбекистон халқи иқтисодий ва маданий - маънавий маънавиятни ривожлантиришда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўмаклашадиган тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг манбавий асослари. Магистирлик тадқиқотни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Сурхондарё вилояти филиаллари жамғармаларининг маданият соҳасига оид ҳужжатлари ўрганилиб улардан манба сифатида фойдаланилди. Бир қатор материал, ҳужжат ва маълумотлар Сурхондарё вилояти Давлат архивларида сақланаётган жамғармалардан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий архивининг ф-94. Ф-2653, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Қашқадарё филиалидан Ф-1, Ф-4,

Ф-10, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архивининг Сурхондарё филиалидан Ф-1. Қашқадарё вилояти Давлат архивининг Ф-1. Ф-94, Ф-249. Ф-390, Ф-2124. Сурхондарё вилояти Давлат архивидан Ф-3, Ф-58, Ф-85, Ф-94 жамғарма ҳужжатларидан фойдаланилди.

Шунингдек, тадқиқотда Термиз Ўлкашунослик музейи ҳужжатлари, статистик тўпламлар, даврий матбуот материаллари ва хотиралардан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти. 1917-1940 йиллар даврий чегарасида Сурхон воҳасининг иқтисодий ва маданий - маънавий ҳаёт тарихи, шу соҳага тегишли сиёсат мазмун-моҳияти масаласи тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган.

Магистрлик диссертациянинг назарий-услубий асослари. Совет ҳукмронлиги даврида иқтисодий ва маданий - маънавий ҳаётда кечган жараёнларга диалектик ва ҳаққонийлик тамойили асосида ёндошилди. Диссертацияда белгиланган вазифаларни баён этишда Ўзбекистон тарихининг янги методологик концептуал тамойилларига таянган ҳолда тарихийлик, илмийлик, ҳолислик, қиёсийлик, узвийлик каби тамойилларга асосланди.

Тадқиқотнинг муҳим назарий асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, хусусан миллий уйғониш, таълим тарбия, фан, адабиёт ва санъатнинг ўрни тўғрисидаги йўл-йўриқлари, ташкил этади.

Тадқиқотда тарихий-таққослаш ва статистик таҳлилга алоҳида эътибор берилди. Архив ҳужжатлари, адабиётлар, бажарилган илмий тадқиқот ишлари ҳозирги давр талаблари асосида ўрганиб чиқилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- биринчидан, иқтисодий ва маданий - маънавий маданият тарихи жараёнлар масаласи юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, айнан 1917-1940 йиллар давомида Сурхон воҳасининг иқтисодий ва маданий - маънавий маданияти тарихи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаганлиги;

иккинчидан, Сурхон воҳасининг иқтисодий ва маданий - маънавий маданиятининг ўзига хос жихатлари чуқур тадқиқ этилмаганлиги.

Тадқиқотнинг илмий ишнинг шундан иборатки, ишда бугунги кун тарих фани олдида қўйилаётган талаблардан келиб чиқиб, Сурхон воҳасининг 1917-1940

йилларда совет даври иқтисодий ва маданий - маънавий соҳаси маълум тармоқларидаги муаммолар, уни келтириб чиқарган омиллар архив хужжатлари, далилий манбалар ва ҳаётий хотиралар асосида илк маротаба тарихий ва танқидий нуқтаи назардан тадқиқ қилинди.

Магистрлик диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида қўлга киритилган умумлашган назарий хулосалари республиканинг иқтисодий ва маданий маданий соҳада амалга ошираётган сиёсатида сабоқ сифатида хизмат қилади. Манбалар асосида баён қилинган тадқиқот 1917-1940 йилларда Ўзбекистонда, хусусан, Сурхондарёда совет тузумининг иқтисодий ва маданий – маънавий тармоғи ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Магистрлик диссертацияда иқтисодий ва маданий - маънавий соҳа тарихига доир ҳали илмий истеъмолга киритилмаган маълумотлар ва амалий қарашлар умумлаштирилганлиги боис, ундан Ўзбекистон тарихи фанидан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратишда, айти пайтда иқтисодий ва маданиймаънавиймаданият соҳасида тарих соҳаси факультетларида махсус курс, семинар машғулотларини ўтказишда амалий жиҳатдан фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот апробацияси. Магистрлик диссертация мавзуси Термиз давлат университети Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедрасида муҳокама этилиб,ҳимояга тасия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертация юзасидан жами 4 та иш эълон қилинган. Жумладан, диссертациянинг асосий мазмуни ва хулосалари муаллиф томонидан эълон қилинган 2 та мақола ва 2 та тезисларда ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертация кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 74 бетни ташкил этади.

1.БОБ.ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ АСОСЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ; ТАҲЛИЛЛАР ВА НАТИЖАЛАР.

1.1.Совет ҳокимиятини саноат соҳасидаги сиёсатининг моҳияти ва мазмуни.

Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши жамият тараққиёти йўналишларига тўсиқ бўлган омилларни вужудга келишига ҳамда миллий кадриятларни, урф-одатларни таҳқирлашга йўл очиб берди. Миллий ўзлик, миллий маданият, халқимизнинг маънавий дунёқараши камситилди. Миллий мутахассислар, зиёлилар ҳамда ватан манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳур фикрли кишилар таъқиб остига олинди. Энг ачинарлиси улар ўз ватанларидан қувғин қилиниб, қулоқ қилиш ва сургун этиш орқали аянчли ҳаёт қисматига тортилди. Қулоқлар «Қишлоқ буржуазияси», «Аксил инқилобчилар», «Халқ душманлари», «Социализм душманлари», «Колхоз душманлари» деган ҳақоратомуз салбий номлар билан минглаб ватандошлар мусофирликда кун кечириб, бир умр ватанини қумсаб яшадилар.

1920 йилларда Шерободда ҳам ноҳақ отилган, қамалган, бегона юртларда фожеали ҳаёт кечирлаган ватандошларимиз сони ниҳоятда чексиз эди. Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда 20-30 йилларда ўтказган зўравонлик сиёсати билан ўтказилган колхозлаштириш ва у билан боғлиқ тарзда қулоқ қилиш, сургун қилиш жараёни ҳамда унинг фожеали оқибатлари тарих саҳифаларида ўз аксини топди. Марказдан келган иш ўргатувчилар, колхоз тузумини назоратга олувчилар маҳаллий халқни қириш, бўйсунмаганлардан ўч олиш, урф-одатларни камситиш билан сиёсат юритдилар. Сурхондарё округи Шеробод тумани Ғузароқ қишлоғига келган Амирхонов, Шаганов, Хидиров ва Шукуровлардан иборат туман ер комиссияси ишга киришиш ўрнига маҳаллий халқни таъқиб қилиш ва ичкиликка ружу қўйиш билан шуғулландилар. Шеробод туман Оққўрғон қишлоғидаги ер майдонини ўлчашда ер комиссияси аъзолари Жума Примқулов ва Хўжамуродов ер майдони рўйхатига ноқонуний 5 таноб ерни киритиб қўйди. Ушбу комиссияда иштирок этаётган қишлоқ кенгаши раиси Иброҳимов бу ишнинг нотўғри эканлигини кўрсатиб, халқ ўз меҳнати билан ерни хайдаб турмуш

кечираётганлигини изоҳлаб ўтди. Натижада ер комиссияси аъзолари Иброҳимовни маҳаллий халқни, бойларни ҳимоя қилаётганда айблаб, уни қатағонлик рўйхатига киритдилар. Шеробод туманидаги Дехқонобод қишлоғида ер комиссияси раиси Амирхонов шу қишлоқда яшовчи Қурбоновни (камбағал) ноўрин айблаб қамоққа олди ва сургун қилди. Шеробод тумани Хўжақиев қишлоғида Мухаммадқул Мўминов «Агар ер комиссияси сенга Абдувоҳид эшоннинг ерини берса, сен уни олмагин, чунки эшон сеҳргар ва кимдан ким унинг ерини олса, ер олганнинг болалари нобуд бўлади. Ерда эса ҳосил унмайди» деган гапни халқ ўртасига тарқатиб, ер комиссияси билан маҳаллий халқ ўртасида низонинг келиб чиқишига сабабчи бўлган¹. Шунга қарамасдан Шерободда совет тузумининг сиёсати ўз таъсирини кучайтириб, маҳаллий халқни ўз измига бўйсундирди. Шерободликлар ўзларининг деҳқончилик соҳасидаги тажрибаларини ишга солиб, хўжаликни тузиш, моддий турмуш учун зарур бўлган маҳсулотларни етиштиришга киришди.

1920 йилларда хўжалик ишларини бажаришда шерободликлардан А. Мўминов, Ш.Мираҳмедов, И.Табиев, А. Холмуротовларнинг фаолияти алоҳида диққатга сазовордир. Шунингдек вайрон бўлган хўжаликни-маданий оқартирув муассасаларни тиклаш оғир шароитда бажарилди. Бу масалани оғирлиги шунда бўлдики ўқимишли, саводхонликда катта хисса қўшган кишилар душман сифатида отиб ташланди ёки ўз юртидан қувғин қилинди. Шеробод беклиги ихтиёридаги қадимги кутубхона унинг тарихий ўтмиш қўлёзмалари йўқ қилинди. Масжид мадрасалар бузиб юборилиб тарих-тиббиёт соҳасида танилган кишилар «халқ душмани» деб эълон қилинди. Жуда кўплаб кишилар ўз-она юрти Шерободни ташлаб кетдилар. 1920 йилда халқ хаётида нихоятда оғир давр ҳукмрон бўлиб малъум бир қисм кишилар эса советларга қарши кураш йўлига ўтган бўлса, иккинчи қисм кишилар эса советлар томонига ўтиб кетди, натижада оддий халқ уруш ўчоғида кирилиб кетди. 1920 йил октябрда қизил армия қўшинлари катта куч билан Шеробод беклигида ҳужим қилиб уни эгаллади ва Шеробод Сурхондарё вилояти бўйича Советларнинг бошқарув марказига айлантирилди. Шу вақтдан бошлаб рус армияси билан биргаликда рус аҳолиси ҳам Шерободга кўчиб келиб жойлаша бошлади. Янги ҳукумат халқ ҳаракатини

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ.

кўпинча ўз измига бўйсиндириб Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаб борди. Ўз навбатида бошқа жойларда бўлгани каби Шерободликлар ичидан етишиб чиққан ўқимишли, ўз фикрларини дадил айта оладиган кишиларни ҳокимият раҳбарлигига қўймадилар. 1921 йил 25 февральда бўлиб ўтган Бухоро компартиясининг биринчи съездида Шеробод фирқаси аъзоларидан ҳам иштирок этдилар. 1921 йил Шеробод округ маркази бўлиб қолди. 1921 йил 7 январда Шерободда биринчи округ деҳқонлари курултойи бўлиб 1000 дан ортиқ деҳқон вакиллари иштирок этди ҳамда иқтисодий маданий ва хўжалик ишларини муҳокама қилди¹. Шунингдек, 1920 йилларда Шерободда деҳқон бирлашмалари вужудга келтирилди. Шеробод тарихида илк бор 1920 йил 400 қувват кучига эга дастлабки «Динамо» дезили ўнатилиб, элект токи таъминоти йўга қуйилди. Шунингдек бу даврда Шерободда 3 та обжувоз, 147 мойжувоз ва 128 та тегирмон мавжуд эди². Янги тузум, эски беклик тартиб-интизоми ўрнига янги бошқарувни жорий этиб, оммавий тарғибот-тарғибот ишларини бажардилар, энг оғир масала шунда бўлдики Советларга эргашмаган фаол кишиларнинг кўпчилиги ҳам турли тухмат-бўхтонларга учраб қамокларга ташланди, судсиз отиб ташланди. Натижада кўпчилик янги ҳукуматнинг сиёсатидан норози бўлиб қўлга қурол олиб курашга отландилар.

1920 йил охирида Мирза Мушроф раҳбарлигида, 1921 йил турк полковниги Хасанов раҳбарлигидаги 85 киши озодлик ҳаракатига иштирок этди. Амир ҳокимияти йиқитилган дастлабки йилларда Шерободда ҳам халқ ҳаёт оғир кўчди, тинимсиз жанглар оддий халқни тинқасини қуритди, очлик, қашшоқлик, дарбадарлик туфайли минглаб кишилар ватангадо бўлди. Шу туфайли 1921 йил 8 ноябрда Шеробод, Юрчи, Денов, Ҳисор ҳудудида ҳаракат қилаётган Али Ризо миллий озодлик ҳаракатирга минглаб кишилар қўшилди³.

1922 йил Шерободда ҳам Анвар пошшони қўллаб-қувватловчи миллий озодлик ҳаракати кучайди, лекин кучларнинг тенг эмаслиги натижасида кўплаб кишилар бу ҳаракат қурбонига айландилар. 1922 йил 8 майда бўлиб, ўтган Бухоро Компартиясининг Шерободнинг вилоят қўмитаси деҳқонларнинг

¹ Сурхондарё вилояти рақамларда. 1991-2002. Статистик тўплам. Термиз. 2004. 7-варак.

² Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-хужжат, 49-варак.

³ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варак

аҳволини яхшилаш уларни иқтисодий қийинчиликдан олиб чиқиш учун оилавий тадбирларни бажариб 8 қишлоққа 270 ботмон буғдой арпа ҳамда меҳнат қуролларида ёрдам уюштирди¹.

1921-1923 йилларда Шерободда ички аҳвол ниҳоятда оғирлашиб хўжалик юритиш қийинчилик билан олиб борилди. Янги ҳукумат шубҳали кўринган кишиларни «босмачи» тамғаси остида қириб ташлаб, озгина кўлида мол-мулки бўлган ўзига тўқ кишиларни мол-мулки мусодара -қилинди. Томорқалар тортиб олиниб, уй-жойлари янги ҳукумат ихтиёрига ўтказилди. Айниқса тоғ оралиғи, адир-қирларда жойлашган қишлоқ аҳолиси бундай оғирликнинг кўпини ўз бошидан ўтказдилар. Ўз навбатида махсус кўрсатма асосида 1923 йил қасаба иттифокни тозалаш баҳонасида Шеробод вилоятидаги 5-қасаба уюшманинг 996 аъзосидан 285 таси қамоққа олинди ва отиб ташланди. Бу эса халқ ўртасидаги норозиликни кучайтириб, маҳаллий халқнинг кўзини кўрқитиб қўйди. Янги совет ҳукуматининг тартиб интизомини тан олдириш мажбурий олиб борилди². 1923 йил 22 апрелда фирқа кўмитасининг фаолиятини қайта кўриб чиқиш унинг аъзолари таркибини мустаҳкамлаш нуқтаи назари асосида Бухоро Компартияси кўрсатмаси билан Шеробод вилояти умумий фирқа йиғилиши бўлди. Бунда «БКП нинг яқин кунларидаги вазифалари тўғрисида» кўрсатмасига биноан фирқа аъзолари ичида ниқобланган савдогарлар, амир хизматчилари ва найрангбозларни йўқотиш масаласи муҳокама қилинди. Оммавий фирқа кўмитасини тозалаш сиёсатининг натижаси шу бўлдики, кўплаб виждонли, ўқимишли, ўз халқ манфаатларини тўла ҳимоя қила олишга қодир бўлган маҳаллий миллатга оид кишилар йўқ қилинди. Айниқса мансабга қасос олишга интиланган баъзи «инқилоб» тарофдорлари хоинлик йўлига ўтиб олиб, ундан усталик билан фойдаландилар. 1922 йил 30-октябрда Шеробод вилоят фирқа кўмитасининг -конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференциядаги асосий мақсад феодал бой ва мусулмон диний реакционерлар қаршилигини тугатиш қасаба-уюшма ва комсомолга ёшларни кўпроқ жалб этиш, фирқа аъзолигига мустаҳкам ўтқир кишиларни жалб қилиш масаласи муҳокама қилинди. Ўз навбатида бу

¹ Рашидова Т. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1959-1965). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т., 1973;

² Ачилов Н. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1946-1958). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т., 1974;

кўрсатма «босмачиликка», маҳаллий бой феодалларга очик кураш бошлаб бўлиб, шу кураш йўли билан, мадраса, мачит, эски ўзбек тилида арабо имлоси билан ўқитиш мактабларини йўқотиш, унинг илҳомчиларини қириб ташлаш режалаштирилган эди. Шеробод ҳудудида ҳокимият учун кураш тинимсиз кучайиб бориб, 1923 йил март-июнь ойларида Салимпошшо ва Ибрагимбек миллий озодлик мусулмон қўшинлари ҳаракат қилдилар. Лекин ўзаро бирлик сиёсий мустаҳкамлик бўлмаганлиги туфайли бу ҳаракатлар мағлубиятга учради, халқ ичидаги иккиланиш, қашшоқлик, очлик ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Шерободнинг ўзи ва унинг атрофи 1922 йил баҳоридан бошлаб жанг майдонига айланиб қолди, ниҳоят 1923 йилга келиб Салимпошшо ва Иброҳимбек мағлубиятга учради¹.

1923 йилларда алоқа йўллари қуриш масаласига эътибор кучайтирилди, масалан, 1923 йил Шеробод-Дарбанд-Юрчи отпочта йўли Шеробод-Юрчи-Дарбанд-Ғузор-Ғарши-Бухоро отпочтаси маркази, Ғузор-Шеробод-Термиз телефон йўли қурилиши бошланди. Шеробод Сурхондарё округ маркази бўлгач, унинг маданий қиёфаси ҳам ўзгариб дастлабки, қизил чойхоналар дам олиш муассасалари кечки савод чиқариш мактаблари ташкил этилди. 1924 йилга келганда Шерободда 22 та қишлоқ хўжалик ва чорвачилик бирлашмаси бўлиб, шундан 17 таси пахтачилик билан шуғулланар эди. 1924 йил бошида бўлган Бухоро Компартияси IV чи қурултойи Шеробод фирқа кўмитаси тўғрисидаги алоҳида ҳисоботни тинглади. Ҳисобот даврида Шеробод фирқа кўмитаси фаолияти танқид қилинди. 1925 йил 19 октябрда Шерободда Ўзбекистон КП (б)нинг уезд-шаҳар ташкилоти конференцияси бўлиб, еттинчи-отлик бригада ҳарбий қўшинлар бошлиғи А.Т. Фединнинг, Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий-сиёсий аҳвол тўғрисидаги, ҳамда хотин-қизлар масаласидаги ҳисоботлари эшитилди. 1925 йил 17 январда Шеробод Сурхондарё вилоятининг маркази деб эълон қилинди. 1925 йил Шерободда хотин-қизлар клуби ташкил этилди, ушбу асосий вазифаси хотин-қизларни давлат ва жамият ишларига жалб этиш, паранжини ташлатиш, саводхонликни кенгроқ ёйишдан иборат эди. Лекин бу ишларда ҳам шошма-шошарликка йўл қўйилиб мажбурий паранжи ташлатиш,

¹ ЎЗР МДА, 303-фонд, 2-рўйхат, 159-хужжат, 12-варақ.

савод мактабларига жалб этиш зўрма-зўракилик ҳолатида олиб борилди¹. Бу эса ўз навбатида маҳаллий халқ ўртасида кўплаб норозиликни келтириб чиқаради. Кўплаб хотин қизларни ўлдирилишига олиб келди. Натижада 1925 миллий урф-одатларни сақлаш мусулмон одатлари бўйича хотин-қизлар ишларига аралашмаслик талабларини ўртага ташлаган Ўтанбек, Мулло Рахмонкулбек, Ислонбек, Назарқори раҳбарлигидаги ҳаракатлар Шеробод ҳудудида бошланиб кўплаб кишиларни нобуд бўлишига олиб келди. 1925 йилдан Шеробода «Қўшчи» уюшмалари тузила бошланди. 1920- йилларда Шерободда маданий-маиший турмуш тарзига оид янгиликлар амалга оширилиб борилди. 1925 йил вилоятда биринчи марта Шерободда даволаш амбулаторияси очилиб, 1926 йил январда Шеробод тери ва сил касалликлар диспансерлари, болалар даволаш бўлими, тиш даволаш хонаси очилди. 1926 йил октябрда эса 25 ўринли касалхона биноси қурилиб тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Шерободнинг бевосита округ марказига айланиши туфайли 1925 йил 22 июнда биринчи марта Ўзбекистон радиосининг овози эшитила бошланди².

XX аср Ўзбекистон тарихида, шунингдек, Сурхондарё воҳаси ҳаётида ҳам шубҳасиз, чуқур из қолдирди. Маълумки, Термизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига асосий омил бу ҳунармандчиликнинг тез суръатлар билан ривожланиши бўлди. Шаҳарда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари мавжуд бўлиб, айниқса, темирчилик, кулолчилик, шишасозлик, тўқимачилик, кемасозлик соҳалари алоҳида ўрин эгаллаган. Шаҳар ҳаробаларида олиб борилган археологик-топографик изланишларга қараганда, ҳунармандчиликнинг ҳар бир тури алоҳида-алоҳида жойлашган бўлиб, ўзига хос маҳалла-гузарларни ташкил этган эди. Шундай қилиб маҳаллий ҳунармандчилик Марказий Осиё ва унинг ажралмас қисми бўлган Термиз шаҳрида XIX аср охиригача ҳукмрон бўлиб келди. Марказий Осиё (1896 йил), Тошкент (1905 йил) ва Термиз (1916 йил) темир йўли очилгач, фабрика саноати ўлкада сезиларли даражада ривожлана бошлади. 1940 йилга келганда Сурхондарё воҳасида майда ҳунармандчилик билан банд бўлганлар сони 16962 нафар кишини ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни қиймати эса 7906160

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ.

² Азимов М. Термиз тарихи. (Энг қадимги даврдан XX1 аср бошигача). –Насаф. 2001. –Б. 152.

сўмни ташкил қилди¹.

1917 йилда бошланиб, маҳаллий ва туманлараро алоқалар узилишига олиб келган мустабид тузумни ўрнатилиши ва истиқлолчилик ҳаракати (1917-1922 йй), кўпчилик деҳқон хўжаликларининг вайрон бўлиши, саноат молларига бўлган талабнинг камайиб кетиши, бозорда маҳсулот айланишининг қисқариши ҳам ҳунарманчилик ва пахта тозалаш заводи ишчилари ишига салбий таъсир кўрсатди. Натижада, маҳаллий аҳоли тажриба ва кўникмаларидан маҳрум бўла бошлади. Илгари, Ўлканинг иқтисодий бюджетидан қатъий ўрин олиб келган миллионли ресурсларидан ажралиб қолиш хавфи юзага келди. Бироқ собиқ Совет ҳукумати ўтказётган «Ҳарбий коммунизм» сиёсати ҳар қанақа хусусий мулкка қарши кўр-кўрона кураши билан асрлар давомида вужудга келган ҳунармандчилик ишлаб чиқарилишини буза олмади, фақат юз минглаб кишиларнинг қашшоқлашиб, ғазабга минишига олиб келди.

Янги Иқтисодий Сиёсат (НЭП) (1921 йил) асосларини ҳаётга қайта жорий этиш ва айниқса шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги товар алмашинувини қайта ташкил этиш ҳамда жонлантириш эҳтиёжи Туркистон шароитида ҳунарманчилик асосида пахта тайёрлашни қайта тиклаш муаммосига келиб тақалар эди. Тарихан, ҳунармандлар маҳаллий аҳоли диди ва одатига мос хизмат кўрсатар, ҳатто йирик саноат моллари бўлмагани ҳолда четга чиқарадиган буюмлар ҳам тайёрлашар эди. Масалан, 1921 йил 1923 минг сўмлик ҳунармандчиликнинг маҳсулотлари (Шарк гиламлари, Осиёча тик атлас ва бошқалар) экспорт қилинган эди². 1926 йилда қурилиб ишга туширилган Шеробод пахта тозалаш заводи вилоятимизда энг тунғич корхона бўлиб, кейинги даврда янгидан-янги заводлар, хусусан, маҳаллий саноат комбинати ғишт заводи, пахта чувиш фабрикаси, маиший хизмат комбинати қурилиб ишга туширилди. Бундан ташқари маданий қурилиш, маиший хўжалик соҳаларида ҳам йирик ўзгаришлар бўлди.

Сурхондарёда ҳунармандларни ҳунармандчилик артелларига жалб қилиш ҳаракати асосан 1926 йилдан бошланди. Шу йили Термиз (Паттакесар) шаҳрида ҳам 1926 йил 5 апрелда “Кожевник”, “Хуршид” номли кончилик ва қурилиш, 12

¹ Термиз университети газетаси, 2001 йил 17 ноябрь.

² Термиз университети газетаси, 2001 йил, 17 ноябрь.

апрелда “Красный женщины Востока” номли қурилиш, 27 апрелда “Ленин” номли от арава транспорти, 11 майда “Красный строитель” номли қурилиш, 1930 йилда “Прогресс” номли кўп тармоқли, “Восход” номли озиқ - овқат, 1934 йилда “Қизил Туячи” номли от-арава транспорти, 1939 йил 15 ноябрда “Утильпере работка” номли чиқиндини қайта ишлаш, 1940 йилда “Родина”, 1941 йил апрелда “Пограничник” номли кўп тармоқли, 1941 йил 18 январда “ВКП (б)XVIII партия конференцияси” номли қурилиш артеллари ташкил қилинди ва турли йилларда фаолият кўрсатди¹. 1927-1928 йилларда Сурхондарё округи саноат корхоналарида 2072 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, майда ҳунармандчилик корхоналарида эса 3884 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунинг 78,9 фоизи ҳунармандчилик саноати ҳиссасига тўғри келди².

Ушбу рақамлар таҳлили бу йилларда Сурхондарё округида ҳунармандчилик саноати устун даражада эканлигидан далолат берар эди. Шу даврда майда ҳунармандчилик саноатини қайта тиклашга эътибор беришининг ўзига хос сабаблари бор эди, чунки бу ҳунармандчилик артеллари қуйидаги энг муҳим асосий вазифаларни адо этаётган эдилар:

1. Халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик корхоналарнинг камлиги сабабли, улар ўрнини тўлдириш;
2. қишлоқларда ишсизлар сонининг камайишига ёрдам бериш;
3. қишлоқнинг саноат маҳсулотига бўлган талабини маълум даражада бўлса-да, қондиргани ҳолда, қишлоқ хўжалигининг ривожига ижобий таъсир кўрсатиш каби масалаларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнади.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш жоизки, Термиздек чекка шаҳарда ҳунармандчилик саноати ишлаб чиқариш алоҳида ўз ўрнига эга эди. Чунки, 1920 йилларда Термизга фабрикада тўқилган матоларнинг кам олиб келиниши, аҳолининг тўқувчи ҳунармандларнинг ишлаб чиқарган матоларига бўлган талаблари бир неча мартага ортган эди. Маҳаллий ҳунармандлар аҳолининг пахта матоларига бўлган талабини қондирибгина қолмасдан, озиқ-овқат саноатида ун тегирмонлари, мойжувозлар, енгил саноатда оёқ-буюмларига бўлган талабларини

¹ Термиз университети газетаси 2001 йил, 17 ноябрь.

² ЎЗР ПДА нинг Сурхондарё вилояти филиали, 18-фонд, 1-рўйхат, 310-иш 42-варақ.

кўнчилар, этикдўзлар қондиришга муҳим ҳисса қўшдилар. Ўша пайтдаги оғир иқтисодий танглик, озиқ-овқат, кийим-кечак, рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари танқислиги даврида ҳунармандчилик аҳолини ана шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга муваффақ бўлган эди. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида бўлгани каби Сурхондарё воҳасида ҳам фуқаролар уруши бўлиши натижасида ўлканинг иқтисодий ҳўжалиги издан чиқди. Воҳада пахта етиштириш кескин камайиб кетди. 1923 йилда Сурхондарё воҳасида 163 гектар ерга пахта экилди. Пахта майдони 1915 йилга нисбатан 27 марта, 1913 йилга нисбатан эса 49 баробар камайиб кетди¹. Фуқаролар уруши тугагач, Ўзбекистондаги сингари вилоятда ҳам пахта етиштиришга катта эътибор берила бошланди. Вилоятда пахта етиштиришнинг ривожланиши, унинг ҳосилини қайта ишловчи пахта тозалаш заводлари фаолиятини ҳам жиддий яхшилашни талаб қилди. Шу йилларда Термиз пахта тозалаш заводида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. 1926-1927 йилларда Термиз пахта тозалаш заводи янги пресс машиналари билан жиҳозланди. Термиз пахта тозалаш заводи 1920 йилларда йилига 1,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1939 йилга келиб, 14524 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 1920 йилга нисбатан, 1939 йилда 13 баробар кўпроқ маҳсулот олишга эришди².

Термизда қўл меҳнатига асосланган майда ҳунармандчилик маълум даражада маҳсулотлар ишлаб чиқарган бўлиб, электр энергияси ҳисобига ишлайдиган корхоналар деярли йўқ эди. Буни қуйидаги маълумотлардан ҳам билиб олишимиз мумкин. Термиз шаҳри кўчалари асосан кечалари керосин лампалари билан ёритилар эди.

1924-1925 йилларда Термиз шаҳридаги пахта тозалаш заводининг 75 от кучига эга бўлган колонна дизели, 1925-1936 йилларда эса 150 от кучига эга бўлган «Метеор», йигирма от кучига эга бўлган «Красний пролетарий» номли двигателлар, 1936-1939 йилларда эса тўқсон от кучига эга бўлган ХТЗ маркали трактор двигатели орқали шаҳар электр энергияси билан таъминлаб турилди. 1927 йилнинг 17 июлида Сурхондарё округи режа комиссиясининг қабул қилган 10-сонли қарорида Паттакесар, Термиз ва Шеробод шаҳрида электростанция қуриш

¹ Э.Қобилов Сурхондарё саноатининг илк одимлари. Термиз 1993 йил, 8-бет.

² З.Мирзаев, Э.Қобилов Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. Термиз 1996 йил, 26-бет

тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу йилнинг 14 ноябрида эса Паттакесар электростанциясини кенгайтириш учун маҳаллий бюджетдан 75000 сўм пул ажратиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди¹. 1928 йилга келиб, Термиз шаҳрида биринчи марта юз от кучига эга бўлган дизель ишга туширилди. Округда шу йилнинг ўзида электр энергияси 119320 квт ни ташкил қилди².

Денов вилоятимизнинг йирик саноат шаҳри ҳисобланиб, шаҳарда темир йўл қурилиши 1925 йилда амалга оширилиб, 248 километрлик Термиз-Душанбе темир йўли қурилиши учун 3 млн сўм пул ажратилди. 1928 йилда ботқоқ ва тўқайзор ўрнида ҳозирги Денов темир йўл станцияси қурилиши бошланиши билан бирга Денов пахта тозлаш заводини қурилиши ҳам амалга оширилди³.

1941 йил 6 мартда Сурхондарё вилояти ташкил этилганидан сўнг унинг аҳолиси сони 335 минг кишини ташкил этди⁴. Вилоятнинг ташкил этилиши натижасида вилоят халқ хўжалигида ўзига хос ўринга эга бўлган саноат ходимлари фаолиятида ҳам янги юксалиш даври бошланди. Бироқ, дунё халқлари ҳаётида аламли из қолдирган 1941 йил 22 июнда немис фашист босқинчиларининг собиқ Совет мамлакатига уруш эълон қилмасдан, тўсатдан бостириб кириши ва фашизмга қарши халқларнинг озодлик урушининг бошланиши вилоят саноатчилари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган режаларни ҳам барбод қилди.

Уруш, энди ўз фаолиятини давр талабига мослаштириб бораётган кўп тармоқли ҳунармандчилик иттифоқи фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Асосий ишчи кучи саналган эркакларнинг фронтга чақирилиши натижасида, улар ўрнига ҳали касб малакаси суств бўлган ёшлар ва хотин-қизлар келди. Худди шу даврда айрим артель раҳбарлари ҳам жиддий ҳатоликларга йўл қўйдилар. Яъни ишга янги келган кадрларга ҳунар ўргатиш ва аёллар билан ишлаш масаласи жуда суств ҳолда олиб борилди. Бунинг натижасида мутахассисларнинг йўқлиги оқибатида бир қанча артеллар ва цехлар вақтинча ёпилди. 1940 йилда 18 та

¹ Тўхтаев А.Қ. Улуғ Ватан урушигача бўлган йилларда Сурхондарёда электрлаштириш. Профессор-ўқитувчиларнинг XXV илмий-назарий конференциясида тингланадиган маърузалар баёни. Термиз, 1999 йил. 100 бет.

² Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-хужжат, 49-варақ.

³ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

⁴ С.Н.Турсунов, Э.О.Қобилов ва бошқалар. Сурхондарё тарихи кўзгусида. Т.: Шарқ. 2001 йил, 177-бет.

хунармандчилик артеллари бўлса 1941 йилда эса уларнинг сони 11 тага тушиб қолди. Фронтда жасорат кўрсатаётган аскар ҳаққи ҳурмати фронт орқасида меҳнат қилаётган ҳар бир инсонни яхшироқ ва унумлироқ ишлашга даъват этарди. Шунингдек, 1941 йил 26 июнда собиқ Сурхондарё вилоят партия қўмитасининг бюроси бўлиб, унда «Саноат ва транспорт ишларини уруш даврига мослаб қайта қуриш тўғрисида» ги масала муҳокама қилинди¹. Бунда саноат ва транспортнинг аҳволи таҳлил қилиниб партия ва совет жамоат ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари олдида қуйидаги вазифа қўйилди: «Саноат ва транспортнинг ҳам ҳамма иши фронт манфаатларига бўйсундирилсин, меҳнат интизоми ҳар қачонгидан мустаҳкамлантирилсин». Ҳақиқатан ҳам уруш йилларида шаҳарнинг барча саноат корхоналарида иш унуми ошди. Ишчиларнинг иш вақтига бўлган муносабатида ҳам жиддий ўзгаришлар сезила бошланди. Уруш йилларида иттифокнинг ғарбий туманларида қурлган кўплаб йирик саноат корхоналарининг немис-фашистлари қўл остидаги ҳудудларга тушиб қолиши, вайрон бўлиши ва эвакуация қилиниши оқибатида аҳолининг кундалик турмуши ва фронт учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг катта қисми, муболағасиз, хунармандчилик артеллари зиммасига тушди. Бунинг оқибатида хунармандчилик артеллари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари тури кўпайди ва янги хунармандчилик артеллари тузила бошланди. 1942 йилда «Оқтош» номли хунармандчилик артели, «Хўжайкон» туз конининг хом-ашёсини қайта ишлай бошлади. 1943 йилда Термизда «Красний Кожевник» номли хунармандчилик артели фаолият юрита бошлади². Юқорида таъкидлаганимиздек, хунармандчилик артеллари ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг турлари ҳам кўпайиб борди.

Шаҳар хунармандчилик саноати хизматчилари бундан ташқари ўз давридаги энг йирик қурилишлардан бири бўлган Фарҳод ГЭСи қурувчиларига ҳам кўплаб асбоб-ускуналар етказиб бериш каби шарафли вазифани ҳам сидқидилдан бажардилар. Мисол учун биргина Термиз шаҳридаги хунармандчилик артеллари Фарҳод ГЭСи қурувчиларига моддий ёрдам сифатида 15 дона парма, 25 дона омбур, 10 дона болға, 4 дона арра жўнатди. Термиз шаҳридаги «Родина» номли

¹ С.Н.Турсунов, Т.Р.Пардаев Унутилмас жасорат Т.: 1995 йил, 19-бет.

² Термиз университети газетаси 1995 йил, 25 январь.

ҳунармандчилик артели жамоаси эса 80 дона белкурак тайёрлаб беришди. Умуман олганда шаҳар ҳунармандлари 1943 йил январь ойигача бўлган даврда 149 дона белкурак, 50 дона кетмон, 38 жуфт қўлқоп, 15 жуфт оёқ кийими, 103 дона замбил ва 352 дона турли хил идишлар билан Фарҳод ГЭСи қурувчиларига ёрдам уюштирди¹.

Бу даврда мавжуд ҳунармандчилик артеллари янгидан-янги жиҳозлар билан қуролланиб, улар қуввати ошиб борди. Шунингдек бу артелларда ҳунармандлар сони ҳам ортиб борди.

Агар 1940 йилда вилоятдаги мавжуд ҳунармандчилик артелларида 1690 киши меҳнат қилган бўлса 1943 йилда улар сони 2242 кишини ташкил қилди. Ҳунармандчилик артелларида хизмат қилаётганлар орасида аёлларнинг ўрни кўпайиб борди. Агар 1940 йилда бу тармоқда 462 нафар аёл бўлган бўлса, 1943 йилга келиб уларнинг сони 600 дан ошиб кетди².

Ўзбекистон иқтисодни бошқаришнинг «социалистик» тизими маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланган бўлиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ходимларни моддий рағбатлантириш каби иқтисодий воситалар социализм табиатига тўғри келмас эди. Шу боис социалистик ишлаб чиқаришда қўланилаётган маъмурий-буйруқбозлик ва мажбурлаш усуллари, партиянинг тарғибот-ташвиқот механизмининг асосий бўғинлари бўлган «социалистик мусобақа», «стахановчилик», «зарбдорчилик», ҳаракатлари, «беш йилликни тўрт йилда бажарамиз» каби воситалар ва сохта шиорлар билан ниқобланар эди. Аслида эса, булар замирида қандай қилиб ва қайси усуллар билан бўлса ҳам ишлаб чиқаришнинг «социалистик режа» мажбуриятларини ортиғи билан бажариш вазифаси ётар эди. Социалистик иқтисодни бошқаришдаги бу усул барча жойларда бўлгани каби Термиз шаҳри саноатида асосан, қўл меҳнатига таянганлиги, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик даражаси паст бўлганлиги, саноат корхоналарида белгиланган режаларнинг бажарилишида меҳнат мусобақасининг аҳамияти катта бўлган эди. Аслида эса бу хилдаги мусобақалар меҳнаткашларни давлатга қўшимча ишлаб беришга мажбурлашнинг

¹ Илғор Сурхон учун газетаси 1943 йил, 23 апрель.

² Термиз университети газетаси 1995 йил, 25 январь.

бир тури эди холос¹.

Совет давлати маъмурларининг ҳатти-ҳаракати билан Ўзбекистоннинг барча саноат корхоналарининг жамоалари мусобақалар ташкил этиб, жамоа шартномалари тузишди. Ишчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланиши билан бир қаторда тежаб қолинган маблағлар миқдори ҳам ортиб борди. Ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ равишда юргизиш, янги техникани жорий этиш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, ишчилар малакасини ошириш, иш кунидан унумли фойдаланиш учун оммавий ҳаракатлар кенг ёйилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, дастлабки йилларда авж олдирилган ана шу ҳаракат ишчилар, касиб ҳунармандлар ва муҳандис техник ходимлар ижодкорлигини оширишга, маҳсулотларнинг кўпайишига, саноатни янги техника асосида қайта қуришга бир қадар ёрдам берди.

Тадқиқ қилинаётган даврда меҳнат мусобақасининг ижтимоий-сиёсий моҳияти ҳам ошди. Бу йилларда мусобақа кўпроқ мафкуравий тус ола бошлади, ҳар бир мусобақага «социалистик» тус бериш авж олдирилди. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятлардан яна бири шундай эдики, мустабид тузум маъмурлари меҳнаткашларнинг ижодкорлиги ва ишонувчанлигидан фойдаланиб, меҳнат мусобақаларини халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларига кенгроқ сингдириб боришга ҳаракат қилдилар. Бу даврда ишлаб чиқаришда юксалтириш ва бошқа муҳим вазифалар устувор аҳамият касб этган эди. Меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам кўпая борди, уларнинг сифати ҳам анча яхшиланиб борди².

Бундай ижобий ўзгаришлар меҳнат мусобақасининг таъсирчанлиги кучайганлиги сабабли мумкин бўлди дейишимиз ҳам хато бўлмайди. Чунки меҳнатга онгли муносабатда бўлиш, ижодий ташаббус кўрсатиш, маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш каби ташаббуслар большевизмнинг тарғибот-ташвиқоти таъсирида бўлган бўлса-да, лекин ишчи хизматчилар бунга ўз

¹ Голованов А., Турсунов С.Н., В.Плену Утопического мышления Т.: «Ўзбекистон», -1993, стр-111.

² Голованов А., Турсунов С.Н., В.Плену Утопического мышления Т.: «Ўзбекистон», -1993, стр-113.

ихтиёрлари билан қўшилдилар.

Айни вақтда тадқиқ қилинаётган даврда саноат ривожланишига оид сиёсатнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини таҳлил қилар эканмиз, саноат ходимларининг ғайрат-шижоатини ошиб борганлигини, большевизм тарғиботига ишонганлигини айтиб ўтишимиз керак. Саноат ишлаб чиқариши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошиб бориши, ишчиларга, ҳунармандларга нисбатан сиёсатни бироз юмшатишга, уларни мажбур қилиш тажрибасидан воз кечишга ундади¹.

Шуни айтиб ўтиш керакки 1930-йиллардаги сиёсат саноат ва ҳунармандчилик соҳасида мусобақани ташкил этиш тизимига танқидий баҳо беришни тақозо этади. Боиси «социалистик мусобақалар», коммунистик тарғибот тили билан айтганда, «оммавий» тус олган бўлса-да, лекин асосий масалани ҳал қилмас эди². Чунки, уларнинг кўплари мусобақанинг моҳиятига тўла тушуниб етмагани, мусобақага тайёр ёки тайёр эмасликларини ўзлари англаб етмаган ҳолда ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятларини ҳар томонлама кучайтиришга, саноат ишлаб чиқаришини кескин юксалтириш учун оммавий мусобақани кенг ривожлантиришга қўшилган эдилар. Уларнинг жамиятни яхшилашга қаратилган даъвати, ўтмишнинг салбий оқибатларини кескин тугатишга йўналтирилган чақириғи кенг меҳнаткашлар орасида партия маъмурлари томонидан уюштирилган митинг ва мажлисларда қўллаб қувватланарди. Натижада, саноат ходимлар ўртасидаги мусобақалашув ҳаракати Ўзбекистондаги барча саноат корхоналарига ёйилди. Шундай ҳаракатлардан бири Стахановчилик ҳаракати бўлиб, у 1935 йил сентябрь ойида Донецклик шахтёр Алексей Стаханов ташаббуси билан бошланган эди. Юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун бошланган бу ҳаракат халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи кишилар томонидан қўллаб-қувватланди³. Сурхондарё вилоятида бу ҳаракатга Термиз пахта тозалаш заводи ишчилари ҳам биринчилардан бўлиб қўшилдилар. 1935 йил охирига келиб пахта заводида стахановчилар миқдори 48 кишига етди. Ўз навбатида завод қошидаги стахановчилар мактаби ҳам корхонани малакали

¹ Голованов А., Турсунов С.Н., В.Плену Утопического мышления Т.: «Ўзбекистон», -1993, стр-12.

² Голованов А., Турсунов С.Н., В.Плену Утопического мышления Т.: «Ўзбекистон», -1993, стр-15.

³ ЎЗРМДА, Ф-2099, рўйхат-4, 78-иш, 213 варак.

кадрлар билан таъминлашда оз хиссасини кўшиб борди. 1939 йили 19 нафар ёшлар стахановчилар мактабига ўқишга қабул қилиниб, уларни ўқитишга 8000 сўм сарфланган, техник ўқишларга эса 11000 сўм сарфланиб, 18 киши жалб қилинди, ўз навбатида 8 нафар ишчи ўз малакасини бу курсларда оширди¹.

Умуман олганда, меҳнат мусобақаси деб ном олган мусобақалар, стахановчилик ҳаракатлари 1930-йилларнинг ўрталарида нуқсонлардан холи бўлмаса-да, кейинги йилларга нисбатан жиддий тусга эга бўлди. Шу туфайли ҳам техник ва технологик жиҳатдан заиф бўлган шаҳар саноати тармоқларида меҳнат жамоаларининг оғир меҳнатлари эвазига ишлаб чиқаришни ривожлантиришга муваффақ бўлинди. Ўша йилларда республика саноатида бўлгани каби Термиз шаҳри саноат корхоналарида ҳам ҳунарманд ишчи, хизматчилар, ҳақиқатдан ҳам кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар. Мустабид совет давлати эса ана шу ташаббускорлик меҳнاتини тўғри қадрламади. Партия ва ҳукумат маъмурлари стахановчилик ҳаракати ва бошқа меҳнат мусобақаларини айтарли сарф-харажатлар қилмасдан, фақатгина халқнинг ташаббуси, шижоати ва оғир меҳнати эвазига ишлаб чиқариш кўрсаткичларини кўтариш ва шунинг натижасида «коммунизмга» иккинчи «катта сакрашни» амалга оширишнинг, саноат ишлаб чиқаришини бир йўла кескин жадаллаштиришнинг асосий воситаси деб ҳаёл қилдилар. Бу даврда Ўзбекистон халқининг асосий қисми социализм ғоясига ишонар, унга бўлган ишончи ҳали сўнмаган, фидокорлик ва бунёдкорлик билан ҳалол меҳнат қилар эди. Мустабид тузум эса халқнинг ана шу «ишончи»дан ўз мақсадлари йўлида фойдаланар, барча аҳоли каби маҳаллий ҳунарманд, ишчиларни ҳам азалий миллий хусусиятларидан, меҳнат анъанавий усулларидан узоқлаштириб «социализм» гирдобига тортар, «саноат ишчиси»га айлантириш чорасини кўрар эди.

Шу билан бирга, саноат қурилишида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари таъсирида қурилиш ташкилотлари ишининг сифати, қурилилаётган объектларнинг ўз вақтида топширишга балки иш ҳажмининг ўлчамларини кўпайтиришга, кўрсаткичлар ортидан боришга силжиш кузатилди.

¹ ЎЗРМДА, 2099-фонд, 4-ёзув, 78-иш, 214-бет.

Бутун Республикадаги каби Термизда ҳам ишчилар сонини йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳақида маълумотлар ҳисоботларда дабдабали тарзда кўрсатилар эди. Масалан, 1925 йилда 4350 кишини 1965 йилда 11200, 1985 йилга келиб 14700 тага етган¹. Лекин аҳолининг табиий ўсишини (йилига ўрта ҳисобда 2-3%) ҳисобга олганда бу кўсаткичлар унча катта рақамни ташкил қилмайди. Шунинг учун 1985 йилга келиб саноат ишлаб чиқариш комплекси Ўзбекистоннинг меҳнатга қобилиятли аҳолисининг атиги 12% ни ўз ичига қамраб олган. Ушбу рақам шу даврдаги Термиз аҳолисининг сонини ҳисобга олганда унча катта фарқ қилмайди. Ўрганилаётган муаммонинг жиддийлиги совет жамияти ривожининг барча босқичларида айниқса, турғунлик йилларида унга нисбатан бўлган эътиборсизликда ўз ҳолига қўйилганлиги ифодасини топди. Шунингдек, ушбу муаммо ишчи кадрлар таркибида маҳаллий миллат вакиллариининг камлиги тинимсиз ўсиб бораётган ва банд бўлмаган меҳнат ресурсларининг саноат ишлаб чиқаришга жалб этилмаганлиги билан ажралиб туради².

Бошқа томондан олганда сиёсий ҳисоботларда маърузаларда ва илмий ишларда Республикада ишчи синфининг сонини ортиб бориши ҳақида унинг таркибида маҳаллий миллат вакиллариининг салмоғининг ўсиши тўғрисида рақамлар рўқач қилинар эди. Ваҳолангки, ўсиш суръатлари аксарият ҳолларда совхоз ишчилари, савдо, маиший, хизмат ва бошқа шу каби соҳалар ҳисобидан амалга ошириларди. Бунда ўлканинг иқтисодиёти ҳамда хом-ашёга йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри, ўрганилаётган даврда саноат тармоғи учун кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор беришга, уни ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Ўзбекистоннинг индустриал ривож саноатга малакали ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни талаб қиларди. Шуларни эътиборга олиб, ушбу вазифани ҳунар-техника таълими (Х.Т.Т.) тизими бажариши лозим эди, лекин бу соҳадаги барча тадбирлар юқорида таъкидлаганидек, бир томонлама сиёсат асосида амалга оширилар эди. Ушбу ҳунар таълим тизими зарур мутахассислар учун керак бўлган малакали ишчиларнинг фақат 1/5 қисмини таъминлаб берар эди³.

¹ Правда Востока, 1976 г, 29 июня.

² Голованов А., Турсунов С.Н. В плену утопического мышления. Т.: 1993, «Ўзбекистон» стр-149.

³ Зиядуллаев С.К. РегиональЎе проблемЎ экономики Узбекистана... -с-29.

Шундай қилиб, марказнинг империяча муносабатлар асосида олиб борган сиёсати бутун Ўзбекистондаги каби Термиз иқтисодиётини хусусан, унинг саноатини 1920-80 йилларда бир томонлама ривожини олдиндан белгилаб қўйган эди. Бунда Ўзбекистон иқтисодиётининг «хом-ашёлар (асосан пахта)» га йўналтирилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Саноатнинг пахтачилик мажмуасига бўйсунishi маҳаллий аҳоли ва меҳнат ресурсларининг тараққиётига замин яратувчи ишлаб чиқаришнинг замонавий тармоқларида ишлаш имкониятини ҳам чеклади. Термиз шаҳри саноатининг ва хусусий жараёнларга назар ташлаганда, шунини таъкидлаб ўтиш керакки, ўрганилаётган даврнинг хронологик доирасида саноат қувватларини ошириш борасида марказдан тузилган режалар асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунда асосий эътибор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (асосан пахтани) қайта ишлашга ихтисослашган тармоқларни ривожлантиришга қаратилган. Шу билан бирга марказнинг коммунистик мафкурага бўйсундирилган ўзига хос иқтисодий сиёсати мамлакат шу жумладан, Термиз иқтисодиётининг тараққиётига салбий таъсир қилиб, иқтисодни зиддиятли ривожланиб боришга сабаб бўлди. Кўсаткичлар ортидан қувиш режаларни қандай йўл билан бўлса-да бажариш, ортиғи билан бажариш ва шу каби омиллар ҳайбаракачилик, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилиш, энг ачинарлиси, мавжуд муаммоларни кўрсатмасликка асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни шакллантирди.

Қолаверса, ялпилик ҳажмига асосий эътиборни қаратиш, сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнининг оммалашишига, умуман олганда эса, мана шу каби турғунлик аломатлари бу даврнинг асосий хусусиятига айланиб борди ва совет иқтисодиётининг инқирозга юз тутишини яна жадаллаштириб юборди.

1.2. Совет ҳукуматининг аграр соҳадаги сиёсати ва унинг натижа ҳамда

оқибатлари.

Шеробод тумани қишлоқ хўжалиги учун қулай бўланганлиги туфайли 1926 йил 1 апрелдан бошлаб Кўшчи уюшмалари тузиш тезлашди ва пахта, мева, сабзавот етиштирувчи хўжаликларнинг иқтисодий қудрати ошиб борди. Шерободда жамоа хўжаликларини тузиш ниҳоят даражада оғир, сиёсий кураш таъсирида амалга оширилди, минглаб Ўзига тўқ оилалар совет тузумининг қурбонига айландилар. Оммавий тарзда қатағон қилиш, Ўзига тўқ деҳқон оилаларнинг мол-мулкани талон-тарож қилиш, сургун қилиш оддий ҳодисага айланди. Ватандошларимиз бошига мусибатли, фожеали турмуш тарзи чексиз кулфатлар келтирди. Шеробод туманидан қулоқ хўжалиги сифатида 55 катта ер эгаси, 21 руҳоний, 14 амалдор, 2 савдогар, 22 судхўр, жами 114 хўжалик 1927 йилда тугатилиб, 1954 гектар суғорма ер, иш ҳайвонларидан 61 от, 125 хўкиз, қишлоқ хўжалик буюмларидан 52 омон, 79 сикмола, 2 та лапатка, 5205 арава, 4970 пуд сомон, 1765 пуд беда тартиб олинди. Қулоқ қилиш даврида ўзига тўқ оилалар айниқса, аянчли турмушни бошидан кечирдилар. 1932 йилда Ўз КП (Б) Мкнинг Шерободдаги вакили Давидов Марказга шундай маълумотнома жўнатди: «Тадбирнинг ўзи Марказкомнинг тегишли кўрсатмасига мувофиқ 12 майдан 13 майга ўтар кечаси бошланди. Шу тун кечасида сиёсий комиссия белгилаб қўйган барча хўжаликлар қўлга олинди ва эрталаб кўчириб юборилди»¹.

Бу тадбирлар «қулоқ»ларнинг қаттиқ ва хилма - хил қаршилиги шароитида амалга оширилди, тадбир Ўтказилаётганда «қулоқ»лар, Ўрта ҳоллар, ҳатто камбағалларнинг қочиб кетиш ҳоллари кўп бўлди. Уларни ушлаш, қайтариб келиш қийин кечди, энг кўп қочиш 1932 йил майида Гиламбоб қишлоғида юз берди. Шерободдан 86 хўжалик «сургун сафари»га жўнатиш чоғида одамлар орасида: «Иккинчи беш йилликда барча мусулмонлар РСФСРга кўчирилади, сургун қилинган мусулмонлар жойларига руслар жойлаштирилади, сургун қилинаётган аёллар ГПУда қолдирилаяпти, эрлари қамоққа олинмоқда, хориж мамлакатларига мухожир бўлиб чиқиб кетишдан бошқа илож қолмади деган гаплар ҳам тарқатилган»². Шунини алоҳида қайд этиш керакки, совет ҳокимияти

¹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

² ЎзР МДА, 2325-фонд, 1-руйхат, 59-хужжат, 35-варақ.

жамоа хўжаликларини ташкил этиш, тузиш даврида ҳеч қандай разилликдан, ўч олишдан қайтмади. Турли усуллар билан маҳаллий халқни бўйсундириш, норози бўлиб қарши чиққанларни аёвсиз жазолаш ҳамда қириб ташлаш сиёсатини асосий йўналиш қилиб олди. Шеробод халқи мустабид тузумнинг аянчли миллий камситиш сиёсатини ҳеч қачон ўз қалбидан чиқариб ташлай олмайди. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, совет ҳокимияти жамоа хўжаликларини ташкил этиш, тузиш даврида ҳеч қандай разилликдан, ўч олишдан қайтмади. Турли усуллар билан маҳаллий халқни бўйсундириш, норози бўлиб қарши чиққанларни аёвсиз жазолаш ҳамда қириб ташлаш сиёсатини асосий йўналиш қилиб олди. Шеробод халқи мустабид тузумнинг аянчли миллий камситиш сиёсатини ҳеч қачон ўз қалбидан чиқариб ташлай олмайди.

Округ бошқарувини мукаммаллаштириш мақсадида 1930 йил июндаги 69 рақамли буйруғига асосан Сурхондарё округ бошқаруви Шерободдан Термизга кўчирилди. Шерободнинг қулай иқтисодий имкониятлари мавжудлиги ҳисобга олиниб ҳамда мамлакатнинг пахтага бўлган талабини қондириш учун 1926 йил Шерободда дастлабки пахта заводи қурилди. Натижада пахтачиликка эътибор кучайтирилиб тажрибали пахта ишини биладиган кишиларга қишлоқ хўжалик артелларини тузиш топширилди. 1926 йилда Шерободга 3 та «фардзон» трактори олиб келинди, тракторчиларни тайёрлаш ишга биринчи бўлиб Шеробод тумани ижроия кўмитаси раиси Ғувватов Эгамберди раҳбарлик қилди. 1926-1927 йилларда Ўртача Шерободда 17 минг десятина (1700 гектар) суғориладиган ер мавжуд эди. 1928 йилги ер-сув ислохотини амалга оширишда Тўлаев Норқул, Бобомуродов Ғора, Ражабов Шоймардон, Эшбоев Ўсар, Холмуродов Номоз, Алланазаров Хўжан ва бошқалар фаол иштирок этдилар. 1928 йил ташкил топган «Ёш Ленинчи» колхозининг раиси Бобомуродов Ғора Шерободда дастлаб вужудга келган жамоа хўжалигининг иқтисодий қудратини оширишга киришди¹. Яна 1928 йилда Охунбобоев, Тўрахўжаев, Нариманов гомидаги ва «Кун чиқиш» колхозлари ташкил топди. 1926 йил Ғамбур қишлоғида Норқул Тулаев раислигида 2 та қишлоқ хўжалик артели тузилди. 1928 йил Навбоғ қишлоғида ҳам «Озод батрак» артели ташкил этилиб, унинг иқтисодий қудратини оширишда Бердиев

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варак

Эшбойнинг хизмати катта бўлди. Бошқа жойларда бўлганидек Шерободда ҳам ер-сув ислоҳати катта қарама-қаршилик асосида олиб берилди, чунки кўплаб партия-совет ходимлари маҳаллий халқни қаттиқ сиқув остига олган эдилар. Бойлар билан биргаликда Ўрта ҳол ва Ўзига тўқ бўлган деҳқонларнинг ерлари тортиб олиниб, Ўзлари турли жойларга узоқ Сибирь, шимолий Ғозғистонга сургун қилинди. Ғаршилиқ кўрсатганлар отиб ташланди. Ҳатто бир оти, сигири бўлганлар ҳам кулоқ сифатида Шерободдан мажбурий кўчирилиб Ўз туманидан Жарқурғон, Шўрчи, Шартуз ва Тожикистонга жўнатилди¹. 1927-1930 йилларда Шерободдан 1,5 мингдан ортиқ оила бу ҳўрланиш-зўравонлик натижасида Ватангадо бўлиб, Афғонистон, Эрон, Туркия ва бошқа жойларга кетишга мажбур бўлдилар. Мажбурий коллективлаштиришга қарши Шерободда халқ ҳаракатлари вужудга келиб Лойлиқ қишлоғида Нурматбой, Эшбой, Эсиргапбой, Чиғатой қишлоғида Мирзо Мансур, Аҳмад Тўқсабо, Шомурод Ҳожи, Эшонқул Ясовул Бойқишлоқлик Содикбой, Ғорабой, Холтўра, Алибой, Навбоғлик Абзоир, Тўқсабо, Собир Ўғли Сувонқул, Мангитлик Аҳмад, Тўқсабо тўпорлик Бекназар Ўғли Искандарлар Ўз мол-мукини ҳимоя қилиш талончилиқни олдини олиш миллий урф-одатларини бузилишига йўл қўймаслик, маҳаллий халқни дарбадар бўлишига йўл қўймаслик тухмат-бўхтонларга чек қўйиш учун курашга чиқдилар². Лекин кучларнинг тенг эмаслиги туфайли уларнинг асосий кўпчилиги қириб ташланиб мол-мулки мусодара қилинди ҳамда маълум қисми ўз юртини ташлаб, кетишга мажбур бўлдилар. Шу вақтгача бу ҳаракат қатнашчилари «босмачилиқ» тамғаси билан айбланиб келинди. Лекин ўз ватани ўз бахти-саодати, мустақиллиги учун курашганлар. Ҳеч қачон босмачи бўлмайдилар, балки бошқалар тинч яшаётган юртга келиб уни тинчини бузган, мол-мулкини таланган миллий, урф-одатларни поймол қилган, маҳаллий миллатни ўз юртига яшашга мажбурий қўймаган, уни саргардон қилган, қўлига қурол билан келган келгинди ва босқинчилар деб аталиши керак эди. Бошқа жойларда бўлгани каби Шерободда ҳам мудҳиш қирғин жабр зулмни жонлатувчи кўплаб ҳужжатлар йўқ қилиб юборилган. 1929 йил «Озод батрак», «Иттифок», «Коммунизм» каби жамоалар тузилди. 1929 йил /амбур қишлоғида

¹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

² ЎзР МДА, 303-фонд, 2-рўйхат, 159-ҳужжат, 12-варақ.

мавжуд «Социализм» жамоа хўжалигида 100 гектар экин майдони бўлиб, 40 та отулови ва 300 бош қўй эчкиси бор эди. Оммавий ер -сув ислоҳоти бошланган 1930 йилда Лойиқ қишлоғида Нурматбой, Эшбой, Эскиргап бойларнинг мол-мулки ҳисобида «Ўртоқ» колхози ташкил этилиб унга Туропов Улаш раис, Мирзаев Мавлон, Омонов Сувонлар бригадир этиб тайинланди. Бу давирда колхоз ихтиёрида 80 гектар ер, 5 та хўкиз ва 60 та майда мол бўлиб, Ўртача 4,5 центнер хосил олинган¹.

Шерободда 1923- 1931 йилларда иқтисодий хўжалик ҳаётига хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши кучайди. 1925 йил Шерободда фирқа қўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил этилиб, Фотима Алимова мудир этиб тайинланди. Лекин аёлларнинг маърифат, озодлик йўлидаги ҳаракатлари қаттиқ зарбга учради. Шерободдаги Чаримгар гузаридан паранжисини ташлаб, озодликка чиққан Хожар Бобокуловани 1926 йил баҳорида отиб ўлдиришди. 1928-1929 йилларда шерободлик Т.Примова Кўккўзой Мадиминова, Бойгуччиевалар пиллачилик техникумида ўқиб, ўз юртларига етук мутахассис бўлиб қайтдилар. 1926 йилдан бошлаб Шеробод фирқа қўмитасида хотин-қизлар бўлимига бошлик бўлган Эшмуродова Рўзиой 1928-1929 йилларда II-III бутун Ўзбекистон Советлари курилтойида қатнашиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроий комитети аъзоси бўлиб қатнашди.² Унинг ташаббуси билан Шерободда кутубхона, Хотин-қизлар тўғараклари, бадий халқ театри, хотин-қизлар қизил чойхонаси, янги урф-одатлар ва анъаналар каби ўнлаб ташкилий-тарбиявий ишлар бажарилди³. Шерободнинг иқтисодий-моддий ривожини ҳисобга олиб 1927 йил 20 июнда туман деб эълон қилиниб, бу даврда Шеробод марказида 1500 киши яшаган. 1929 йилда бошланган оммавий коллективлаштириш Шерободда ҳам олиб берилиб, 23 та колхоз ташкил этилди. Шулардан йириклари Сталин, Қахрамон Фрунзе, Социализм, Янги йўл Охунбобоев, Ёш ленинчи колхозлари бўлиб, дон, арпа, чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етказиб беришга мослаштирилди⁴.

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варак

² Хамзаева М.К. Ўзбекистон миллий маданиятининг ривожланиш йўналишлари ва муаммолари (40-50 йй). Тарих фан.ном.дисс... автореф. –Т., 2001;

³ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

⁴ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варак

1930 йилда Сурхондарё округида 23650 деҳқон хўжаликларни бирлаштирган 261 та колхоз бўлиб, бу жамоа хўжаликларга 49,2 фоиз деҳқонлар бирлаштирилган эди. Шундан 24 та колхоз Шеробод туманида ташкил топди. Жамоалаштириш қаттиқ кураш, қарама-қаршилик, зиддиятлар асосида олиб борилиб, кўплаб маҳаллий аҳоли сургун ва қатағонлик, азоб-уқубатларини тортди. Шерободда 1931 йил жами деҳқон хўжаликларнинг сони 11848 та бўлиб, шу деҳқон хўжаликлардан 86 таси қулоқ сифатида мустабид тузумга қаршилик кўрсатганлиги учун Шимолий Кавказга сургун қилинди¹.

1930-1933 йилларда ташкил топган колхозлар ниҳоятда кам қувват ҳамда иқтисодий хўжалик таъминоти паст эди. Буни қўйидаги маълумотдан ҳам билиш мумкин²:

Шерободдаги колхозлар	Плуг	Омоч	От	Камбағал деҳқонлар	Ўрта ҳол деҳқонлар:	
Қизил ой	7	1	7	20	-	4
Кун чиқиш	19	20	10	100	11	31
Охунбобоев	4	1	10	10	-	11
Камбоғал	4	5	22	6	20	-
Қизил юлдуз	6	8	25	-	5	17
Озод турмуш	7	2	15	20	2	-
Жамият	9	1	14	3	55	-
Қизил байроқ	5	10	3	-	-	19

Колхоз ва деҳқон хўжаликларига аъзо қилиш кўпинча мажбурий амалга ошириб, аъзо бўлмаганлар социализм душмани деб эълон қилиниб қулоқ сифатида уларни тугатиб, Сибирьга сургун қилинди. Шерободда ҳам бундай оилалар сони 50 дан ортиқ эди. 1930 йил ноябрь охирида Шеробод фирқа қўмитасида махсус текшириш ўтказилиб колхоз раҳбарларини сайлаш ва қайта сайлаш йўли билан янги тозалаш бўлиб, энг фаол деҳқончиликни яхши тушунадиган кишилар яна сиқув остига олиниб уларни ўрнига қишлоқ хўжаликни деярли билмайдиган Москва, Ленинград, Ивановадан келган ишчи-хизматчилар қўйилди. Хосилдорликни тезлик билан ошириш, кўпроқ марказга пахта, тери, пилла

¹ Юнусов Н. Халқ маорифининг нурли йўли. –Т., Ўзбекистон. 1980;

² Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-хужжат, 49-варак.

етиштирилиб бериш учун янги хўжаликларни ташкил этиш кучайтирилди. 1932 йил Шерободда 11848 деҳқон хўжалиги бўлиб, колхозлар сони 139 тага етказилди. Бу колхозларга жами 8514 деҳқон хўжалиги аъзо бўлиб, жами деҳқон хўжалиги 71.7% жамоа хўжаликларида аъзо бўлди¹.

1932 йил Шерободда дастлабги марказлашган МТСлар ташкил этилди, натижада 30 йилларда Шерободни йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берувчи марказга айлантириш учун яхши тадбирлар жорий этила бошланди. 1933 йил март ойида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтидан 18 нафар малакали-билимли студентлар Истомин раҳбарлигида Шерободга келди. Шу йилнинг ўзида Истомин «Ўртоқ» колхозига агроном этиб тайинланди².

2.БОБ. МАДАНИЙ-МАЪНАВИЙ МУАССАСАЛАРНИНГ СОВЕТ ТУЗУМИ МАЪНАВИЙ ҚУРОЛИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

2.1. Маданий-маърифий муассасаларнинг совет ҳукмронлиги йиллари давридаги фаолияти.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллари даврда таълим тизимининг йўлга қўйилиши ва унинг аҳволи совет таълим тизимининг хусусиятлари, мактаб-маориф тизимининг тутган ўрни ва унинг оқибатлари таҳлил этилади. Фуқоралар урушидан кейинги даврда мактаб-маориф соҳаси олдида мураккаб иқтисодий вазиятда юқори даражадаги вазифалар қўйилди. Жумладан, фуқоралар уруши йилларда ўқишга жалб этилмаган болаларни мактаб тизимига тортиш аҳамиятга

¹ Эшқувватов История развития социалистических городов Карши и Шахрисабза (1925-1965 гг) Автореф. дисс. ... канд.ист .наук. -Т , 1970;

² ЎзР МДА, 2325-фонд, 1-рўйхат, 59-хужжат, 35-варақ.

молик масала бўлиб қолди. Шеробод йирик иқтисодий марказга айланиб йилдан-йилга унинг қуввати ошиб бориш туфайли Шеробод ЎзССРнинг «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофатланди. Шерободда 1933-1937 йилларда 2 та кутубхона, 4 та қизилчойхона, 3 та кечки ёшлар мактаби, 30 бошланғич мактаблар бўлиб ўқувчилар сони мактабларда 2110 тага етди. 1930 йилга келиб Шерободдаги 38333 аҳолидан 216 эркак ва 2 та аёл тўлиқ маълумотли эди. Ана шундай шароитда муҳим маданий-оқартув ишлари кучайтирилди¹. 1937 йил Шерободда биринчи болалар боғчаси очилиб хотин-қизларнинг ишлаши учун имконият яратиб берилади. Халқ маорифини моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи мутахассисларни билим- методик тажрибасини ошириш ишлари яхшиланиб борилди.

Шеробод туманида 1939 йил 250 гектар ерга буғдой ва бошоқли донлар экилиб, деҳқончилик қилинди. Шунингдек, 400 гектар ерга каноп, 140 гектар ерга кунжут экилиб, давлатга белгиланган режа топширди. 1940-1941 ўқув йилига келиб Шерободдаги ўрта мактабларда 268 та синф хонаси бўлиб 8172 ўқувчи таълим олган. Мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олиб Термиз шаҳрига 35 киши механизаторлар тайёрлаш мактабига жўнатилди².

Агар 1945-1946 ўқув йилида Сурхондарё вилоятида эса 298 та мактабда 52,2 минг ўқувчи сабоқ олди³. Ўша вақтда Сурхондарё вилоятида жами 1760 нафар ўқитувчи мактабларда ишлаган. Сурхондарё мактабларида меҳнат қилган ўқитувчилардан 36 таси олий маълумотли эди, холос⁴. Сурхондарё мактабларида меҳнат қилган ўқитувчилардан 1538 таси ёки 57,3 фоизи ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас эди. Бу шубҳасиз таълим тизимига салбий таъсир кўрсатди.

Бу ўринда маданий қурилишнинг совет вариантыдаги салбий ҳодисалар ўзанида намоён бўлган 1920-40-йилларнинг шубҳасиз ютуқлари орасида энг аввало аҳоли таълим даражасининг сезиларли даражада кўтарилишини, кенг

¹ Алимова Д. Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида сиёсий ва мафкуравий тазйик оқибатлари. (1917-1990 йй). –Т., 2000;

² Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ.

³ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ.

⁴ Рашидова Т. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1959-1965). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т , 1973;

тармоқ отган мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тизимининг яратилиши, мутахассисларнинг катта авлоди шаклланиганини ҳам қайд этиш лозим¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, урушгача Ўзбекистонда зиёлилар қатлами, ўқитувчи-кадрларни шакллантириш, илмий муассасаларни ривожлантириш, таълим инфратузилмасини кенгайтиришда муайян муваффақиятлар қўлга киритилган. Фуқоралар урушидан сўнг қайта тиклана бошланган маданий ҳаётга иттифоқ маркази мафкуравий тазйиқни кучайтирди. Таълим тизимига ажратилган сарф-харажатлар етарли даражага эга бўлмай қолди. Қишлоқ колхоз ишларида болалар меҳнатидан кенг фойдаланилиб, уларнинг таълим олиш масаласига эътибор сусайиб кетди. Шунингдек, мактабларнинг аҳоли яшаш жойларидан узоқда жойлашганлиги, болаларда кийим-кечакларнинг етишмаслиги, тўйиб овқат емаслик, дала ишларига жалб қилиш, қизларнинг эрта турмушга берилиши ва бошқалар Ўқув иши самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Совет ҳукмронлиги даврида мафкуравий ғояларни кенг халқ оммасига сингдиришда маданий-оқартув муассасалар ролига катта аҳамият берилган. Жумладан, совет ҳукумати ҳам бундай турдаги муассасалар фаолиятини, асосан, "коммунизм" қурувчисини тарбиялашдек ғоявий-мафкуравий вазифаларни бажаришга йўналтирди². Коммунистик мафкура "шаклан миллий. мазмунан социалистик" деган тушунча асосида маданиятни сиёсийлашган йўлга мослаштирди.

Совет давлатининг "шаклан миллий мазмунан социалистик" деб аталмиш маданияти, марксизм-ленинизмдан иборат умумий дунёқараш асосига эга бўлиб, у ижтимоий ҳаёт ходисаларига синфий ёндашиш, партиявий-ленинча принциплари асосида ривожланди, унинг асосий методи эса социалистик реализм бўлди. Шерободни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш унинг маданий маиший қиёфасини янада кўтариш фақатгина саводхонликни юксак даражага ошириш маориф ишига сидқидилдан эътибор биришга боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам 1920

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

² Шермухаммедов С. Рассвет и сближение национальных культур народов СССР. Автореф. Дисс. Докт филос. Наук. Т., 1973;

йиллардан дастлабки даврдан бу масалага алоҳида қаради. Ўз навбатида савод чиқариш ишлари бошқа жойларда бўлгани каби Шерободда ҳам оғир қийинчилик билан олиб борилди. Чунки бир томондан янги ҳукуматни савод чиқариш учун эски ўзбек алифбосидан воз кечиши ҳамда янги лотин алифбосидан ўтиш бўлса, иккинчи томондан маҳаллий халқ ичидан етишиб чиққан саводхон мутахасисларга ишонмаслик уларни диний ниқоб мулла тамғаси билан қаттиқ сиқув остига олиниши эди. Натижада маҳаллий халқ томонидан савод чиқариш учун қўланилган эски ўзбек алифбоси тарихий иқтисодий маданий ҳаётга оид жамики китоблар кутубхоналар оммавий йўқотила бошланди. Халқ назарига тушган ўқимишни муааллимлар босмачиликда айбланиб қамоққа олинди ва сургун қилинди. Қийинчиликлар ва оммавий қирғинларга қарамасдан 1924 йилда Шеробод шаҳрида дастлабки мактаб ташкил этилди, ушбу мактабга шаҳар марказидан ташқари Хўжги, Оққўрғон, Ғамбур, Чўйинчи, Қўштегирмон, Тарокли ва Ғуллуқшо қишлоқларидаги болалар ҳам ўқишга жалб этилди. 1926-1928 йилларда Шеробод туманидаги Хатак, Эгарчи, Лайлагон, Зарабоғ, Ғорабоғ, Ғўрин, Сеплон, Ғамбур, Хўжанқо, Чўмичли, Танги, Пошхўрт, Ғишлоқбозор қишлоқларида 13 ойлик савод чиқарувчи мактаблар ташкил этилди¹. 1928 йилга келиб эса бир йиллик саводхонлик мактаблари ташкил этилди, Шеробод марказидаги Ленин мактаби, Хатак ва Пошхуртдаги мактаблар ҳам шулар жумласига киради. Шерободда дастлаб мактабларни ташкил этишда маҳаллий ўқимишли ўқитувчилардан Пошхурт қишлоғида Ражаб Чаконов Хатак қишлоғида мактаб ташкилотчиси ўқитувчи Ахмедов Раҳматларни алоҳида қайд этиш мумкин. 30 йилларда меҳнаткашларнинг фарзандларини мактабларга жалб этиш мақсатида 1934 йилда Сталин номли, ҳозирги ибн Сино номли мактаб очилиб 3-4 йиллик таълим бериш жорий қилинди. Худди шу даврда халқ маорифини ривожлантиришда, оммавий ёшларини мактабларга жалб этишда Оққўрғонлик ўқитувчи, туман халқ таълим мудир Жумаев Мамат, Хатак қишлоғидан ўқитувчи Нуриддин Чориев, биринчи Шерободлик олий маълумотли Омонов Чори Пошхуртлик ўқитувчи Холмирза Сафоровларнинг хизматларни ҳурмат билан эсга

¹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

олиш мумкин. Шерободда 1933-1937 йилларда 3 та кечки ёшлар мактаби, 30 та бошланғич савод чиқариш мактаблари бўлиб, ўқувчилар сони 2110 тага етди¹.

Шеробод йирик иқтисодий марказга айланиб йилдан-йилга унинг қуввати ошиб бориш туфайли Шеробод ЎзССРнинг «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофатланди. Шерободда 1933-1937 йилларда 2 та кутубхона, 4 та қизилчойхона, 3 та кечки ёшлар мактаби, 30 бошланғич мактаблар бўлиб ўқувчилар сони мактабларда 2110 тага етди. 1930 йилга келиб Шерободдаги 38333 аҳолидан 216 эркак ва 2 та аёл тўлиқ маълумотли эди. Ана шундай шароитда муҳим маданий-оқартув ишлари кучайтирилди. 1937 йил Шерободда биринчи болалар боғчаси очилиб хотин-қизларнинг ишлаши учун имконият яратиб берилди². Халқ маорифини моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш, ўқитувчи мутахассисларни билим- методик тажрибасини ошириш ишлари яхшиланиб борилди.

1940-1941 ўқув йилига келиб Шерободдаги ўрта мактабларда 268 та синф хонаси бўлиб 8172 ўқувчи таълим олган. Мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олиб Термиз шаҳрига 35 киши механизаторлар тайёрлаш мактабига жўнатилди³. Маданий оқартув ишларини яхшилаш учун 2 та кутубхона, 4 та қизил чойхоналар ишлаб турган, Ана шундай шароитда муҳим маданий оқартув ишлари кучайтирилди. 1937 йилда Шерободда биринчи болалар боғчаси очилиб хотин қизларнинг ишлаши учун имконият яратилиб берилди. Халқ маорифини моддий техник базаси мустаҳкамлаш, ўқитувчи мутахассисларини билим методик тажрибаларини ошириш ишлари яхшиланиб борилди. 1940-1941 ўқув йилига келиб Шерободдаги ўрта мактабларда 268 та синф хона бўлиб, 8172 та ўқувчи таълим олган. Мутахассисларга бўлган талабни ҳисобга олиб, Термизга 35 киши механизаторлар тайёрлаш мактабга 42 киши эса ўқитувчилар тайёрлаш курсига юборилди. Уруш даври қийинчиликларига қарамай мактабларда ўқув тарбиявий ишлар баҳоли қудрат олиб борилди. ўқитувчиларнинг кўпчилиги уруш фронтларига жўнатилиб, мардлик жасоратини кўрсатдилар. Ана шундай ўқитувчилардан бири Абдусалом Ашуров 1942 йили Сталинград frontiда

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

² ЎзР МДА, 2099-фонд, 4-рўйхат, 487-хужжат, 10-варақ .

³ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

мардларча ҳалок бўлди. Фашизмга қарши олиб борилган урушда Шерободлик ҳамюртларимиз қаторида Ўткир Тўраев, Анвар Жўраев, Худоёр Муродов, Қаям Шердонов, Ғаффор ва Жаббор Сатторовлар, Сувон Эшбоев каби муаллимлар ҳам жасорат кўрсатдилар¹. Шундай оғир кунларда фронтга кетганлар ўнига ўқувчиларга билим берган ўқитувчилардан Ашурова Салима, Эргашева Робия, Ғизлар Боболова, Шарофат Ўразовалар хизмати Шеробод халқ маорифида муносиб ўрин олгандир. Урушдан кейинги дастлабки йилларда халқ таълимини тиклаш ва ривожлантириш, уни моддий техник таъминотини кучайтириш, мутахассисларга бўлган талаб эҳтиёжини қондирш каби вазифаларини амалга ошириш ниҳоятда қийинчилик билан бажарилди². Чунки чекка миллий ўлкаларга эътибор ниҳоятда паст назар билан қаралиб, унга зарур бўлган маблағ, шарт шaroитларни яратиб бериш иши билан деярли шуғулланмас эди. Айниқса 40 йиллар охирида мутахассисга бўлган талабни бажарилмаслиги туфайли меҳнаткаш маҳаллий халқнинг хали асосий қисми ёзишни ўқишни билмас, уларни ўқитиш, учун ўқув синфхоналари йўқ ёки етишмас эди. Марказ эса бутун дунёга ёлғондан ҳамма бизда саводи чиқди деган маълумотни тарқатмоқда эди.

Ўзбекистониг бошқа жойларда бўлгани каби Шерободда ҳам асосий маориф ниҳоятда қийинчилик билан тикланди. Шеробод районида халқ таълим соҳасида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш масаласида маълум ижобий ишлар қилинди. Янги мактабларни очиш, ўқув биноларни қуриш, ўқув дарсликлар билан таъминлаш масаласидаги қийинчилик эса маорифнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган эди. Айниқса, аҳолининг асосий қисми саводсиз бўлиб, ўқиш-ёзишни билмас, бунинг учун шароит ва имкониятлар йўқ эди. Мустабид тузум тарғиботчилари фақатгина шиорларга, ваъдаларга таяниб қолган бўлиб, натижасиз ишлар билан шуғулланиб қолган эди. Бутун туман бўйича ўқишга тортиш лозим бўлган болалардан асосий қисми ўқишга жалб этилмади.

Халқ сихат-саломатлиги учун тинимсиз хизмат қилган тиббиёт ходимларининг жуда катта меҳнат фаолияти Шерабод тиббиёт тарихи

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

² Рашидова Т. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1959-1965). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т, 1973;

саҳифаларидан муносиб ўрин олган. Шу даврда тиббиёт хизмати ходимларининг бутун бир авлоди вояга етиб, ҳар қандай шароитда ҳам эл саломатлиги йўлида тинмай меҳнат қилдилар. 1925 йил вилоятида биринчи марта Шеробода даволаш амбулаторияси очилиди, 1926 йил январда тери ва сил касалликлари диспансерияси, болалар даволаш бўлими, тиш даволаш консултацияси очилди. 1926 йилда 9 ноябрда эса 25 ўринли касалхона биноси қурилиб тиббиёт асбоб ускуналари билан жиҳозланди¹. Тиббиёт асбоб-ускуналари ва дори-дармон етишмаслигига қарамай сиҳат-соламатликка тааллуқли амалий ишлар бажарилди. 1927йил туман касалхонаси моддий жиҳатдан мустаҳкамланиб унга бош врач Терновскиц В.А. тайинланди. Касалхонада асосан жарроҳлик бўйича Лазетский дори, дармонлар бўйича Степанов, туғруқхона бўлимида Абрамова, тиббиёт ҳамшираси Голубева, Кархабова, Казакова, тиш даволаш бўйича врач Константинович, Қосимов кабилар хизмат қилдилар. Йилдан-йилга касалхона бўлимлари кенгайтирилиб, 1927 йилда биринчи мартда жарроҳлик ишлари бажарилди. Ундан олдинроқ 1926 йил 15 ноябрда врач Клеболова.С. раҳбарлигида сил касалликлар бўлими, 1927 йил февралда врач Салтикова раҳбарлигида болалар даволаш бўлими, врач Колоникова ва акушерка Абрамова раҳбарлигида туғруқхона бўлимлари ташкил этилди. 1928йил Шеробод туманида касалхона фаолиятини яна мустаҳкамлаш учун бош врач сифатида Тюменев.С. тайинланиб, у соғлиқни сақлаш бўйича анча ишларни амалга ошириб тамоқ, бурун, кулоқ касалликларини даволаш бўйича яхши тадбирларни бажарди. Унинг турмуш ўртоғи Тюменова К.М. ҳам Шеробод тиббиёт хизматида катта ишларни амалга оширди².

Ўз навбатида маҳаллий ҳалқ ичидан тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш ишлари қийин шароитида олиб борилади. 1932 йил Шерободга Самарқанд тиббиёт институтини битирган биринчи ўзбек врачлари Ҳайитқулов ишга келди. Кейинчалик ўзбек врачлари Мўминниёзовнинг фидоийлиги туфайли Пошхуртда даволаш амбулаторияси ташкил этилди. 30-йилларда Шеробод тиббиёт ходимлари сиҳат-саломатлик масаласига доир муҳим ишларни амалга оширди. Пошхурт, Фрунзе,

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-хужжат, 49-варак.

² Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

Оқтош, Таллашқон, Зарабоғ, Оқкурғон, Қишлоқбозор, Истра, Сеплон қишлоқ кенгаши ҳудудларида тиббиёт хизмати бўлимлари ташкил этиб, меҳнаткашларнинг соғлиги доимо назорат қилиб турилди. 1933 йил Шеробод атроф муҳитни доимо назорат қилиш учун район тозалик муҳитини назорат қилиш бўлими ташкил этилиб бунга маҳаллий ўзбек врачлари Ибрагимов С. бош врач этиб тайинланди. Бу даврда район касалхонаси домий равишда олий маълумотли мутахассислар билан тўлдирилиб борилди¹.

Масалан: врачлардан Виборков, Винник, Попова Г. Ҳайиткулов, ўрта махсус тиббиёт ходимлардан Сергеев Д, Максимов шулар жумласидандир. Шеробод ҳудудини катталиги ҳамда аҳолини кўплигини ҳисобга олиб 1940 йил касалхона ихтиёрида тез ёрдам бўлими ташкил топди ҳамда унга алоҳида тиббиёт хизмат машинаси ажратиб берилди. Иккинчи жаҳон уруш йилларида Шеробод тиббиёт ходимлари бутун куч ва имкониятларини ғалаба ишига сарф этдилар.

Тиббиёт ходимларидан Тюменева, Попова, Сарокина, Орлова, Файзулаевалар фронтга кетган ҳамкасблари ўрнига кечаю кундуз хизмат қилди. Шеробод касалхонасида узоқ вақт хизмат қилган. Туман меҳнаткашларнинг севимли кишисига айланган акушерка Арская фаолияти айниқса диққатга сазовордир. Сурхондарё хотин қизлар ичида биринчилардан ватан муҳофазасига жўнаган, ҳаракатдаги армия ичидан тиббиёт хизматини мардларча адо этган Файзулаева Тилло номи Шеробод тарихидан муносиб ўрин эгаллади².

¹ Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар -Т : Қизил Ўзбекистон. 1951

² Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-хужжат, 49-варак.

2.1. Совет ҳокимиятининг маънавий- маърифий соҳадаги сиёсати ва унинг оқибатлари.

Фуқоралар урушидан кейинги йилларда бутун советлар мамлакатада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам педагогик кадрларнинг билим ва савиясини ошириш, мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаб етиштириш жиддий муаммолардан бири бўлиб қолганлиги боис, мактабларни мутахассис кадрлар билан таъминлаш иши район, шаҳар, область раҳбариятининг диққат-марказида турар эди. Мазкур мураккаб ва зиддиятли йилларда мактабларни Ўзбекистондаги педагоглар ҳисобидан кадрлар билан таъминлаш имконияти кам эди. Шунинг учун республика раҳбарияти, иттифоқ ҳукуматидан кадрлар жўнатишни сўраб тез-тез мурожаат қилар ва уларнинг мурожаати учун СССРнинг марказий қисмидан турли даражадаги мутахассислар юборилар эди. Лекин, марказ томонидан кадрларни ажратиш мақбул характерга эга бўлмай, шунинг учун республика ҳукумати ички имкониятни ишга солиб, ўрта махсус таълим берувчи ўқув юртларини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш масаласига эътиборни кучайтирди. Шерободда 1923- 1931 йилларда иқтисодий хўжалик ҳаётига хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши кучайди. 1925 йил Шерободда фирқа қўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш бўлими ташкил этилиб, Фотима Алимова мудир этиб тайинланди. Лекин аёлларнинг маърифат, озодлик йўлидаги ҳаракатлари қаттиқ зарбга учради. Шерободдаги Чаримгар гузаридан паранжисини ташлаб, озодликка чиққан Хожар Бобокуловани 1926 йил баҳорида отиб ўлдиришди. 1928-1929 йилларда шерободлик Т.Примова Кўккўзой Мадиминова, Бойгуччиевалар пиллачилик техникумида ўқиб, ўз юртларига етук мутахассис бўлиб қайтдилар. 1926 йилдан бошлаб Шеробод фирқа қўмитасида хотин-қизлар бўлимига бошлик бўлган Эшмуродова Рўзиой 1928-1929 йилларда II-III бутун Ўзбекистон Советлари қурилтойида қатнашиб, Ўзбекистон ССР Марказий Ижроий комитети аъзоси бўлиб қатнашди. Унинг ташаббуси билан Шерободда кутубхона, Хотин-қизлар тўғараклари, бадиий халқ театри, хотин-қизлар қизил чойхонаси, янги урф-одатлар ва анъаналар каби ўнлаб ташкилий-тарбиявий ишлар бажарилди. Шерободнинг иқтисодий-моддий ривожини ҳисобга олиб 1926 йил 20 июнда

туман деб эълон қилиниб, бу даврда Шеробод марказида 1500 киши яшаган¹.

1924-1927 йилларда Шеробод-Термиз, Шеробод-Денов, Шеробод-Ғузор тош йўллари қуриш бошланиб, маҳаллий саноатга ҳам эътибор берилди бошланди, 1928 йил Қорасув дарёсидан ўтувчи кўприк қурилди. Умуман, 1928 йил бошларида келганда Шерободда 318 та турли хил, ёғ-жувоз, мато-бўз, этикдўзлик, темирчилик, қандолатчилик, сопол-кўза каби ҳунармандчилик устaxonлари мавжуд эди². Ҳали 1920 йиллар охирига келиб ҳам очлик, қашшоқлик бартараф этилмагани натижасида Шерободдаги жами аҳолининг 51,2% оғир қийинчиликни бошдан кечирмоқда эди. Иқтисодий аҳволни яхшилаш учун янги советлар ҳукумат билан биргаликда ўзига тўқ бойлар ҳам фаол иштирок этиш истагини бирдирдилар. Масалан, шерободлик йирик бой ўғли А. Тўқсабоев шулар жумдасидандир. Кўпгина ўқимишли софдил кишилар бу масалада иштирок этиш истагини билдирдилар. Лекин 1926 йилдан бошлаб кучайган Станлинча социализм қуриш режаси бошқа жойларда бўлгани каби Шерободда ҳам оғир кўчди. Кўплаб маҳаллий миллат вакиллари ва фаол кишилар қамоққа олиниб тухмат йўли билан қириб ташланди ёки қийноқ остига олиниб бошқа жойларга сургун қилинди. Айниқса тозалаш вақтида деярли кўзга кўринган, ҳақиқий меҳнаткаш, ўзига тўқ кишилар аёвсиз жазога тортилди³. Уларни ўрнига ўша даврда ишонли ҳисобланган ёт миллат вакиллари олиб келинди. Шерободлик ҳақиқий ўқимишли, камбағал оиладан чиқиб, иқтисодий хўжалик юритишни жуда яхши билган Норбоев Турсун гўёки босмачиларга қурол етказиб беришда айбланиб бўхтон тамғаси билан тухматга қолиб, каттиқ қийнов орқали касаллик билан бевақт вафот этди. Норбоев Турсун ўз меҳнати, тиришқоқлиги билан оқсақол номига сазовор бўлиб, Сурхондарё округи бошқармаси ўринбосари даражасига етган эди. Бундай кишилар ниҳоятида кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси турли йўллар билан жазоланади⁴.

1926 йил 13 декабрда Шерободда Сурхондарё округ Советларининг I-қурилтойи бўлиб унга 127 ноиб иштирок этди. Қурилтойни ижроий маслаҳат

¹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

² Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ.

³ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

⁴ Алимова Д. Голованов А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. (1917-1990 йй). –Т., 2000;

раиси Тўраходжаев очди. Вилоят ички иқтисодий, маданий-турмуш масалалари, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўйича Ғиёсова Ойдин, Глусов, Норбоев Т, Ғосимов К, Файзуллаев Р, Дониёров И, Сафаров, Ғулмуродов, Валиев, Мансуров, Бобохўжаев, Мухторов, Азизов, Ходжаевлар маъруза қилдилар. Шунингдек пахтачиликни ривожлантириш, майда ишлаб чиқариш корхоналарни кучайтириш бўйича, Таллашқон ариғини қуриб тугатиш, деҳқончилик экинлари турини кўпайтириш бўйича алоҳида қарорлар қабул қилинди¹. 1926 йил 11 июнда Шерободда вилоят ижроия кенгашининг 11-қурилтойи бўлиб, унда ички тартибни кучайтириш, вайрон бўлган хўжаликни тиклаш, талончиликнинг олдини олиш, иқтисодий хўжалик юритишни назорат қилиш каби кўрсатмалар, қишлоқ хўжалик артелларини тузишга киришиш каби масалалар муҳокама қилинди. Бу масалалар бўйича Исохўжаев, Тўраев З, Ниёзов Н., Муродов И., Масадовлар маърузаси тингланди. Шунингдек, кўнгилли отряд бошлиғи Эшнӣёз Аминов «Қизил байроқ» ордени билан мукофатланди. Қурилтой Бобохўжаев Абдусамат, Ғувватов Ч., Норқулов Р.Норбоев Турсунларга маданий-иқтисодий турмушга оид режалар ишлаб чиқиш топширилди. Шеробод ҳудудида тинчлик сақлаш, давлат мол-мулкни ҳимоя қилиш учун Қувватов Эгамберди, Жангиров Холиёр, қишлоқбозорилик Ойдин Ражабов раҳбарлигидаги кўнгилли отрядларни тузишга алоҳида эътибор берилди².

1925 йил 18 январ Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ Сурхондарё округи 3 та Уездни Ўз ичига олувчи Бойсун, Сариосиё, Шеробод ҳудудларига бўлинди. Шеробод уезди маркази Шеробод шаҳри бўлиб, 1925 йил 17 январдаги қарорига мувофиқ 4 та асосий ҳудудий тармоққа бўлинди. Ўзбекистон Марказий Ижроия кўмитаси 1926 йил 29 сентябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистонда бошқарув тизимини яхшилаш мақсадида янги туманлаштириш тизимини яратди. Натижада Чор Россияси амирлик, хонликлар давридаги бошқарув тизими бекор қилиниб, Шўро мамлакатининг иқтисодий талабларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, кенг деҳқон табақаларига хизмат кўрсатишга, Совет тузумининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий манфаатларига мос келадиган

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варак

² Ачилов Н. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1946-1958). Автореф. дисс. ... канд.ист .наук. -Т , 1974;

бошқарув тизими ташкил этилди. 1926 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Марказий Ижроия қўмитаси Кенгашининг қарорига мувофиқ Сурхондарё минтақаси маркази Шеробод шаҳри бўлди. Натижада Сурхондарё округи ихтиёрига 6 та туман: Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Паттакесар, Сарисойё, Шеробод туманлари киритилди¹.

КПСС қатор дастурларида қабул қилинган аҳолини "маърифатли қилиш" вазифаларини амалга оширишда мактабгача тарбия, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимидан ташқари, маданий-маърифий ва маънавий таълим муассасалар тармоғи; кутубхона, клуб, кинотеатрлар олдига бир қатор мафкуравий характердаги масъулиятли талаблар қўйилиб, маданий-оқартув ишлари коммунистик партия ташкилотининг ажралмас таркибий қисмига айлантирилди. Маданий-оқартув муассасалари ҳукмрон партиянинг ташвиқот ва тарғибот олиб боровчи қудратли қуроли сифатида кенг халқ оммаси онгига коммунистик мафкурани сингдиришга хизмат қилди.

Мафкуравий-ғоявий аҳамияти кучли бўлган маданий-маърифий ва оқартув муассасалар фаолиятига совет давлати аҳамият билан қараб унинг шу фаолиятини яхшилаш ва иш жараёнини тартибга солиш мақсадида тахлил этилаётган йилларда бир қатор қарорлар қабул қилди. Жумладан, 1946 йил 12 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ҚТР Министрлар Совети "Ўзбекистон ССРда маданий-оқартув муассасалар ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилиб, унда бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш режаларини тасдиқлади².

Маданий-оқартув муассасалар тизимидаги бир бўғин-клублар бўлиб, улар Ўз фаолиятини барча давлат ва жамоа хўжаликлари ва қишлоқларда, шунингдек, шаҳар ва туман марказларида амалга оширдилар.

Таъкидлаш жоизки, тахлил қилинаётган йилларда бутун советлар мамлакатада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам клуб муассасалари сони бир қадар ошган бўлса ҳам лекин, уларнинг моддий таъминот даражаси бу қадар яхшилангани йўқ. Клублар томоша заллари зарур асбоб-ускуна замонавий техника

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

² Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

воситалари билан етарли даражада жиҳозланмади. Кўп ҳолатларда мавжуд клуб биноларидан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилди. Масалан, 1952 йил Қашқадарёда колхоз клубларининг 24 % омборхоналарга айлантирилган эди¹.

Ўзбекистон КП МК ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1961 йил 1 январга қадар республика барча районлари ва вилоятларида маданий қурилиш бўйича уч йиллик режалар ишлаб чиқиш бўйича топшириғи асосида, 1961-1963 йилларда республикадаги маданий-оқартув муассасаларини ривожлантиришнинг уч йиллик режаси ишлаб чиқилди. Бу режага мувофиқ Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва унинг жойлардаги органлари ҳар бир вилоятда маданий-оқартув муассасалари қуриш 3 йиллик режасининг бажарилишини назорат қилиб борди. Сурхондарё вилоятининг Денов районидаги колхозларнинг партия, жамоа ташкилотлари ва колхоз бошқарувлари клублар ишини такомиллаштириш ташаббуси билан чиқдилар. 1961-1963 йилларда район колхозлари ўзларининг бўлинмас фондлари ҳисобидан кутубхона ва болалар кутубхонасига эга бўлган 21 та клуб қуришни мўлжалладилар².

Партиянинг мафкуравий таъсирини кучайтириш шунчалик изчил тарзда амалга оширилдики клубларда ҳатто маъруза ўқиш махсус мактабларда таълим олган кадрлар томонидан мафкуравий ишлар аҳамиятини ёритиш мақсадида махсус сиёсий мавзудаги маърузалар ўқиш доимий равишда йўлга қўйилган эди³.

Клубларда, аввало совет давлатининг ички сиёсати, ғоявий мафкуравий тамойиллари тарғиб қилинди. Совет даврида замонавий клублар қуриш, давр талабига жавоб берадиган техник жиҳозлар билан таъминлаш ишига деярли эътибор қаратилмади. Кўп ҳолатларда эса клублар асосан мактаб ўқувчилари ҳисобидан тўлдирилиб расмана кўриниш ҳосил қилинар эди. 1920-1930 йилларнинг биринчи ярмида, клубларда ўтказиладиган турли кечаларга бормаслик, ундан кетиб қолиш ҳолатлари авж олди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги мавжуд кутубхоналар ўз фаолиятларини совет тузуми шароитида амалга ошириб, тарбиявий ишларни яхшилаш ва кенгайтириш мақсадида турли мавзуларда китоб кўргазмалари,

¹ Ўзбекистон Республикаси МДА. 2487-жамғарма. 3-рўйхат, 3016-иш, 3-варақ.

² Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи. -Т.. Ўқитувчи. 1977. -Б.1 18-1

³ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-ҳужжат, 58-варақ

маърузалар, мунозаралар, конференция ва кечаларни уюштиришнинг асосий ташкилотчиларидан бирига айланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1948 йил 17 ноябрида қабул қилган "Ўзбекистон ССРда кутубхоналар ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисида"ги қарорида республика кутубхоналарининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, миллий анъаналар асосида ривожлантириш каби вазифалар эмас, аксинча партиянинг ғоявий-сиёсий мафкурасини тарғиб этиш вазифалари белгилаб берилди¹.

Совет ҳукумати томонидан кутубхоналар ишини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширилишига қарамасдан, уларнинг фаолиятини бирданига яхшилашга эришилмади. 1936 йилда Термиз шаҳар кутубхонаси илгари вино сотиладиган дўконга жойлаштирилганлиги юқоридаги ҳолатга яққол мисол бўлади. Сурхондарё округ кутубхонаси жойлашган бино ҳам аҳоли орасида кенг миқёсида маданий-оқартув ишларини олиб боришга қодир эмаслиги, ўша даврда ҳам танқид остига олинган эди².

1939 йилда колхоз ва совхозларда янги кутубхоналар ташкил этиш, мавжуд кутубхоналар тармоғини кенгайтириш ва китобхонларга хизмат кўрсатишда китоб фондларидан барча аҳолининг фойдалана олиши жорий қилина бошланди. Жумладан, Сурхондарё округ йирик кутубхоналари китоб фондлари аҳолига кенг равишда очиб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, маданий-оқартув муассасалари моддий-техника базаси қай аҳволда бўлишидан қатъий назар, маданий ҳаётнинг асосий ўчоқларидан бири ҳисобланиб, уларда табиийки анчагина-ижобий ишлар ҳам амалга оширилган эди.

Маданий-оқартув муассасалари ишининг асосий турларидан бири бадий ҳаваскорлик тўғараклари ҳисобланар эди. Бадий ҳаваскорлик тўғаракларини тузиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш, клублар соҳасининг ўзига хос иш юритиш усулига айланди. Бу каби тўғаракларда юзлаб кишилар ўз қизиқишлари, иқтидорларига қараб бирлаштирилди.

Тадқиқ этилаётган даврларда тузилган драматик, мусиқали, хор тўғараклари

¹ Эшқувватов История развития социалистических городов Карши и Шахрисабза (1925-1965 гг) Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т , 1970;

² Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варак

халқ орасида маълум даражада фаолият олиб бориб, уларнинг сони йилдан йилга ўсиб борди.

Сурхондарё округида мазкур соҳада қатор муаммолар мавжуд эди. Масалан, 1932-1933 йилларда вилоятдаги колхоз клубларида бирорта ҳам бадиий ҳаваскорлик тўғараклари ташкил этилмади¹.

1934 йилда Сурхондарё округида ташкил этилган халқ ашула ва рақс ансамбллари ўз маҳоратларини нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам намойиш қилдилар.²

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида тадқиқ этилаётган йилларда айниқса халқ театрлари ривожланиб, оммавийлашиб борди. 1940 йилда Сурхондарё 2 та, жумладан, Термиз, Денов халқ театрлари фаолият олиб бориб, уларда 63 киши хизмат кўрсатди³. Кино маданий-маърифий муассасалар ишининг шубҳасиз асосий қисми ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган даврда кино оммани маърифатли қилишнинг асосий қуроли бўлиб, коммунистик мафкура ғояларини ташвиқот қилиш жараёнида асосий восита сифатида хизмат қилди.

XX аср 1930-йилларида Сурхондарёда ҳам кенг экранли кинотеатрлар қуриш ишлари бошлаб юборилди. «Кенг экранли кинотеатрлар қурилиши Денов, Термиз, Шеробод, Шўрчи, Жарқўрғон каби туман ва шаҳарларида амалга оширилди.

Маданий-оқартув ишида музейлар ўзига хос ўринни эгаллаб келди. Тадқиқ этилаётган даврларда Сурхондарё вилоятида жами 1 та, яъни Термиз шаҳарларида ўлкашунослик музейлари фаолияти йўлга қўйилиб, соҳалар бўйича музейлар ташкил этиш иши эса эътибордан четда қолдирилди. Тадқиқ этилаётган йилларда Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музей 1933 йилда⁴ ташкил этилган бўлиб, мазкур музейларда иш юритишнинг асосий мазмуни, марксча-ленинча мафкурани тарғиб этадиган кўرғазмалар намойиш этишдан иборат бўлди.

Ҳар бир соҳа ривожини таъминловчи асосий омиллардан бири мутахассис кадрлар масаласининг қай даражада ижобий ҳал этилишига боғлиқдир. Тадқиқ этилаётган даврда маданий-оқартув муассасалари фаолияти пастлиги кўп

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

² Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

³ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 361-фонд, 1-рўйхат, 242-хужжат, 49-варақ.

⁴ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

жиҳатдан кадрлар масаласига бориб тақалади.

1930-1940 йилларда маданий-маърифий муассасалар сони анча кенгайди ва соҳа мутахассиси кадрларига бўлган талаб тобора ортиб борди. Маданий-оқартув билим юртларини битирган ёшларнинг аксарияти яратилаётган шароитнинг ночорлиги, ойлик маошларнинг камлиги туфайли Ўз ихтисослиги бўйича ишламас эди.

Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари маданий-оқартув муассасаларини ўрта маълумотли мутахассислар билан таъминлашда Сурхондарёдаги маданият техникумларининг ўрни катта бўлди. Бу каби ҳолатлар кадрлар етишмаслигига, соҳа ишининг орқага кетишига сабаб бўлди. Масалан, 1939 йили Бойсун, Сароосиё, Шўрчи тумани кутубхоналари ходимларининг бирортаси ҳам махсус маълумотга эга эмас эди¹.

Маълумки, ҳар бир халқ маданиятининг таркибий қисми адабиёт ва санъат ҳисобланади. Адабиётда халқнинг муайян тарихий ҳаётидаги ва руҳиятидаги хусусиятлари акс эттирилади. Ҳар бир давлатда ўзига хос мафкурага асосланган адабиёт ва санъатни таркиб топтириш ва ривожлантириш устида иш олиб борилади. Совет ҳукмронлиги, маъмурий буйруқбозлик мафкурасининг якка ҳокимлиги шароитида Ўзбекистонда, жумладан, Сурхондарёда миллий-анъанавий қадриятларга зид бўлган "янги адабиёт" шакллантирилиб борилди. Шунингдек, маъмурий буйруқбозлик усуллари кенг ёйишда адабиёт асосий қурооллардан бири вазифасини ўтади.

Ўзбекистон Компартияси МК директив ҳужжатларида ёзувчи ва шоирлар ижодидаги сусткашлик ва ғоясизлик қаттиқ танқид остига олиниб, уларни бартараф қилиш учун эса махсус чора-тадбирлар белгиланди.

1939 йил 12 июндаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Пленумида республика ёзувчилар уюшмаси фаолияти муҳокама қилиниб, кейинги пайтларда бадиий асарларда кўпроқ миллийликка эътибор қаратилаётганлиги, ўтмиш маданиятини идеаллаштириш кучайганлиги танқид остига олинди².

Бу даврда Ўзбекистоннинг жанубий воҳаларида ҳудудий хусусиятдан келиб

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-ҳужжат, 58-варак

² Қорахонов М. Совет Ўзбекистон маданияти. Т., Ўздавнашр. 1951. -б 42

чикиб, ўзига хос адабий муҳит шаклланган эди.

1956 йилдан, айниқса КПСС XX съезидан сўнг сталинизмнинг қатағонлик сиёсати танқидга учраб, бутун советлар мамлакатада бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ижод эркинлиги борасида маълум ижобий муҳит юзага кела бошлади. Жумладан, маънавий ҳаёт жабҳасидаги сиёсат бир оз юмшатилди, ижодий фикрлашга маълум имконият яратилди.

1930-йилларида Сурхон адабий муҳитида янги бир сифат ўзгаришлари рўй берди. Бу даврда Амир Худойбердиев, Назар Эшонкул, Чори Аваз, Неъмат Арслонов. Равшан Маматмуродов, Хўшбоқ бахши, Менгзиё Сафаров, Исмат Норбоев, Аҳмад Эргашев, Исмоил Тўхтамишев, Холмамат Ҳасанов, Салим Ашур, Шарофат Ашурова, Юсуф Бердиевлар ижод қилдилар. Уларнинг ижодида Ўз навбатида "қайта қуриш", "ошкоралик", "демократиялаштириш" деб аталган жараёнлар ҳам ўз аксини топди. Бу жараён Ўзбекистоннинг жанубий вилоятлари театрларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Сурхондарё вилоятидаги Маннон Уйғур номидаги театр 1935 йилда Ўз фаолиятини бошлади¹.

Театрларда рус ва Европа драматургларининг асарларини сахналаштириш орқали миллий-анъанавий маданият анча суриб қўйилди. (Аммо ғарб муаллифларининг асарларини мусиқа ва комедия театрларида сахнага қўйиш мураккаблиги сабабли, республикадаги вилоят комедия ва мусиқали драма театрларига айлантириш борасида махсус чора-тадбирлар кўрилди ва бу ҳақида 1937 йил 12 мартда "Қизил Ўзбекистон" газетасида қуйидаги фикрлар баён қилинади: "Ўзбекистонда театр санъатини ривожлантиришга ҳалал бераётган жиддий омиллардан бири музикали драма ва музикали комедия жанрларининг драма жанридан устунлигидир. Бундан ташқари, музикали драма ва комедия жанри репертуарини сунъий равишда чеклаб қўйишга сабаб бўлмоқда, чунки кўп театрлар тажриба қилинган рус ва Ғарбий Европа пьесаларини қўйиш имкониятидан маҳрум бўлмоқда ва ўз ижодий жамоаларининг бадиий маҳоратини юксалтира олмай қолаётир. Ҳозирги ўзбек театрини янгидан шакллантириш ёки драма театри ёки музика театри қилиб шакллантириш вақти етди. Санъат ишлар бошқармаси Наманган, Андижон, Қўқон, Самарқанд, Қарши ва Термиздаги Ўзбек

¹ Сурхондарё вилоят давлат архиви, 33-фонд, 32-рўйхат, 17-хужжат, 5-варақ.

театрларини мусиқали драма театрларига айлантиришга қарор қабул қилди¹.

1938 йилда Ўзбекистон КП МК "Театр санъатининг ахволи ва уни янада такомиллаштириш ҳамда руспублика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тadbирлари тўғрисида"ги қарорни қабул қилди². Қарорга мувофиқ театр жамоалари, драматурглар, режиссёрлар зиммасига дастлаб инқилобий совет турмуш тарзини улуғловчи асарлар сонини кўпайтиришга асосий эътиборни қаратиш лозимлиги белгиланди. Миллий-тарихий мавзудаги асарларга "буржуа мафкурасига сажда қилиш" деб бахоланди.

Ўзбекистоннинг Сурхондарё воҳасида тахлил этилган йилларда санъатнинг бахшичилик, халқ кўшиқчилиги каби йўналишлари ҳам маълум даражада ривожланди. Ўзбекистонда Сурхондарё вилояти бахшиларнинг бешиги ҳисобланиб, бу ерда ўзига хос дostonчилик мактаблари шаклланган эди. Жумладан, Сурхондарёнинг Бойсун, Жаркўрғон, Шеробод туманларида дostonчилик анъаналари қадимий бўлиб, улар совет ҳукумати тазйиқлари кучайган шароитда ҳам деярли яширин тарзда фаолият олиб борди. Сурхондарёда Шеробод-Бойсун дostonчилпк мактаблари мавжуд бўлган.

Совет ҳукмронлиги йилларида миллий кўшиқчиликка қарама-қарши ўларок байналмилалликнинг кўйилишига қарамай, халқ анъанавий кўшиқчилик санъати ривожланиб борди. Шунингдек, Сурхондарёда асосан халқ кўшиқчилиги жанри бу ҳудуднинг ижтимоий-маиший, ижтимоий-руҳий хусусиятларига боғлиқ ҳолда давом эттирилди.

Совет ҳукумати коммунистик партия раҳнамолигида диний ва миллий кадриятларга қарши кураш олиб бориб, диний эътиқод намоёндалар таъқиб этилди, тарихий обидалар ва муассасалар ёпиб кўйилди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ғоявий кураш авж олдирилиб, ташвиқот ва тарғибот, атеистик матбуотга кенг эътибор қаратилди. Атеистик ташвиқотнинг суҳбат, маъруза, савол-жавоб каби шакллари асосида иш ташкил этилди.³

Ўзбекистонда "худосизлар иттифоқи" ташаббуси билан "Худосизлар"

¹ Маврулов А. Узбекистана на современном этапе. –Т., 1992;

² Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-фонд, 1-рўйхат, 101-хужжат, 58-варақ

³ Ачилов Н. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1946-1958). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т , 1974;

журнали нашр этилиб, республикада, хусусан, ислом, унинг маросимлари, урф-одатлар диний сарқит сифатида талқин этилиб, унга қарши кураш муҳим масала сифатида кун тартибидан тушмади. Жумладан, республика миқёсида ташкил этилган динга қарши кураш "худосизлар союзи"нинг бўлимлари Сурхондарё вилоятларида ҳам фаолият олиб борди. Ўзбекистоннинг жанубида ҳам "худосизлик"ни тарғиб этувчи, динни қораловчи махсус **лектор-атеистлар** мактаблари очилди.¹.

Ўша ўқув йилида Термиз Давлат педагогика институти, Термиз тиббиёт билим юртлари ҳузурида ҳам ёш **атеистлар** мактаби фаолияти йўлга қўйилди².

Совет ҳукмронлиги йилларида маданиятнинг асосий тармоқларига партиявий мафкура нуқтаи назардан ёндашилиши ва унинг салбий оқибатлари батафсил кўрсатилиб, таҳлил этиб берилган.

¹ Турсунов С.Н. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. –Т., Шарқ, 2001. –Б. 382.

² Рашидова Т. Культурное строительство в Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областях (1959-1965). Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. -Т , 1973;

ХУЛОСА

Собиқ Совет иттифоқининг парчаланиб кетиши ва коммунистик режимнинг кулаши, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида туб ўзгариш ясади. Собиқ СССР даврида шаклланган хўжалик алоқаларининг узилиши, иқтисодиётнинг издан чиқиши маълум давр мобайнида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига олиб келди. 1917-1940 йилларда иқтисодиётда объектив қонуниятларнинг инкор этилиши иқтисодиётнинг ривожланишига, шу жумладан ишлаб чиқаришнинг ўсишига салбий таъсир қилиб, халқ хўжалигида тангликка олиб боровчи омилларнинг кучайишига олиб келди. Мулкка нисбатан давлат монополияси ўрнатилиши, эркин бозор муносабатларига чек қўйди. Оқибатда маъмурий буйруқбозлик асосида Совет ҳукмронлиги даврида иқтисодий ва маданий - маънавий маданият тизими шаклланди. Республикада Совет ҳукмронлиги даврида иқтисодий ва маданий - маънавий маданият ривожлантиришни маҳаллий шароитга мослаштириш, маҳаллий аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олишга имконият берилмади. Натижада Совет ҳукмронлиги даврида иқтисодий ва маданий - маънавий маданият нуқсонли, бир томонлама тизими шакллантирилди. Ўзбекистонда енгил саноатнинг пахтани қайта ишлаш ва пахта хом-ашёсини тайёрлаш саноатига алоҳида эътибор берилди. Энг муҳими енгил саноатнинг бошқа тармоқлари, айниқса озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга ҳукумат томонидан ҳеч қандай муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирлар амалга оширилмади. Мавжуд саноати корхоналарини иқтисодий қудратини кучайтириш, маҳсулотларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг моддий ва маънавий турмуш даражасини юксалтириш Марказнинг назаридан четда турди.

Магистирлик диссертация хулосасида тадқиқотга умумий яқун ясалиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

- Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг Сурхондарё худудида Совет ҳукмронлиги даврида иқтисодий ва маданий - маънавий маданият иттифоқ бўйича ниҳоят даражада паст даражада бўлиб, Воҳада арзон хом-ашё турлари кўп бўлса-да, уларни ишлаб чиқариш жараёнига киритиш ташкил этилмасдан, фақатгина Совет ҳукумати Марказнинг эҳтиёжи ва манфаатидан келиб чиққан ҳолдаги

махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

- Сурхондарёда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳада совет ҳукуматининг манфаатларни ҳимоя қилиш, Марказ сиёсатининг таъсирини кўчайтириш, маҳаллий аҳолини миллий маънави жиҳатдан урф-одатларни поймол қилиш авж олдирилди.

-Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан тайёр хом-ашёни Марказ кўрсатмаси асосида ташиб кетиш, ҳудудда фақат бирламчи маҳсулотларни қайта ишлаш саноат корхоналарни қуриш ва ишга тушуриш масаласи муҳим йўналиш қилиб олинди.

-Марказ кўрсатмаси асосида режалашритилган хом- ашёларни олиб кетиш билан бирга воҳада кенг истиқболи имкониятга эга озиқ- овқат саноатини ривожланишга жиддий тўсқинлик қилинди. Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта таъмирлаш ва янги замонавий ускуналар билан таъминлаш масаласига маблаҳлар ажратилимади, баъзи қурилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини янада риожланишига тўсқинлик қилар эди. Саноат корхоналари учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, асосан иттифоқдош республикалардан олиб келиниши натижасида тўхтаб қолган цехларни ишга тушириш учун кўп вақт талаб қилинар эди.

- Сурхондарёда саноати корхоналарини қайта таъмирловчи саноат комплексларнинг йўқлиги туфайли мунтазам тарзда техник етишмовчиликлар туфайли саноат корхоналарининг иш унумдорлиги пасайиб, ишлаб чиқариш қувватларини янада оширишга имкон бермас эди.

-Совет ҳукумати маҳаллий аҳолининг миллий урф- одатлари ва анъаналари ҳамда маросимларни бутунлай йўққа чиқариш мақсадида “ Оммавий савод чиқариш” сиёсатига таяниб, эски ўзбек тили ёзуви асосида иш юритишни сиқиб чиқариш мақсадида рус ва русизабон аҳолининг маданиятини маҳаллий аҳолига кўз- кўз қилиш, яъни европа маданиятини тарғиб этишга алоҳида эътибор берди.

-Энг муҳими Совет ҳукумати маркисизим- ленинизм мафкурасини тарғиб этиш, большевиклар партиясининг назарий ғояларни кенгроқ тарғиб қилиш сиёсатига таяниб маҳаллий маданиятга қариш кескин юриш бошлади.

-Миллий таълим- тарбия гуёки эскилик сарқити, саводсизлик манбаи ҳамда маҳаллий халқни маънави қошшоқликка олиб келган деган шиор кенгроқ тарғиб

этилиб, мадарасалар, миллий мактаблар, миллий илмий ғоялардан бутунлай воз кечиш ҳамда унга қариши оммавий “ Битсин саводсизлик” шиори асос қилиб олинди.

- умуман юқорида қайд этилган мавжуд камчиликлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳасидаги тўсиқлар туфайли Ўзбекистоннинг Жанубий ҳудудларда аҳолининг талаб эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш режа асосида олиб борилмади.

Ўтказилган тадқиқотлар ва амалга оширилган ишлар натижасида:

- Сурхондарё воҳасида саноати корхоналаридаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, саноат корхоналарининг ташкил топиши, қайта таъмирлаш ҳамда ундаги мавжуд камчиликлар, нуқсонлар билан боғлиқ тарихий манбалар ўрганилди;

- Сурхондарё воҳасида саноати корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқаришни самарадорлигини оширишига тўсқинлик қилувчи омиллар, мутахассислар билим савиясини оширишга салбий таъсир кўрсатган воқелик, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган ишчи техник ходимлар тайёрлашдаги камчиликлар илмий таҳлил этилди;

- Сурхондарё воҳасида саноати корхоналарида маҳсулотларнинг аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган талабини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тўсқинлик қилган омиллар аниқланди;

- Бу даврда Сурхондарё воҳасида саноати корхоналарини иқтисодий тараққиётнинг юксалишига салбий таъсир кўрсатган сабабларининг натижалари ўрганилиб, Ўзбекистон жанубий вилоятларининг хом-ашё бойликларининг Марказга олиб кетилганлигининг омиллари тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилди;

Сурхондарё воҳасида мисолида енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари бўйича Совет ҳокимияти йилларида олиб борилган иқтисодий сиёсат ва унинг асосий йўналишлари ўрганилиб, саноати корхоналари тараққиётнинг бир томонлама хусусиятлари тарихий манбалар асосида таққосланди;

- Сурхондарё воҳасида саноати корхоналарини ижтимоий инфраструктураси ҳамда аҳолининг маиший турмуш даражаси таҳлил этилиб, бу борадаги

муаммолар хусусида фикр юритилди;

- Сурхондарё воҳасида саноати корхоналари Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ишчи ва ходимларнинг маданий ва маънавий дунёқарашидаги тафаккур ва маълум ижобий силжишлар, таълим-фан, тиббиётдаги шарт-шароитлар ўрганилди. Моддий-иқтисодий асосга эътибор қаратилган даврда, мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари масаласидаги камчиликлар илмий таҳлил этилди;

Магистирлик диссертация охирида тадқиқот натижаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кун талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда Сурхондарё воҳасида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий доир бир қатор таклифлар берилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- Сурхондарё воҳасида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий Совет ҳокимияти йилларида соҳани ривожлантиришга тўсқинлик қилган омиллардан хулоса чиқарган ҳолда, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни аҳоли талаблари даражасида кўпайтириш, янги технологияни кенгроқ жалб этган ҳолда маҳсулот сифатини, турини кўпайтириш, корхоналарнинг мустақиллигини таъминлаш, чет элликлар билан қўшма корхоналар қуриб, уларни ишга тушириб, янги маҳсулотлар олишни йўлга қўйиш борасида юзага келган муаммолар ечимини топиш асосида тажрибаларни умумлаштириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ:

1. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т-1. -Т., «Ўзбекистон», 1991 йил, 363 бет.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, -Т., «Ўзбекистон»; 1996.

3. Каримов И.А. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 ва 3 июлда сўзланган нутқ». Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура I Т. - Т.: «Ўзбекистон» 1996. 363-б.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» I Т. - Т.: «Ўзбекистон» 1996. 364-б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Т., «Ўзбекистон»; 1997.
6. Каримов И.А.Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари. Т-6. -Т., «Ўзбекистон»,1997 йил, 430 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:Ўзбекистон, 1999.-689 б.
8. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. -Т., «Ўзбекистон»; 1999.
9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Ўзбекистон”. 1998.
- 10.Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т-7. -Т., Ўзбекистон. 1999. 411 б.
- 11.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т-8, -Т., Ўзбекистон, 2000.-524 б.
- 12.Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз Т-8. -Т., 2000. 522 б
- 13.Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. “Тошкент ” маънавият, 2008 й.
- 14.Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш-Фаровонлик пойдевори. Т.9. -Т., «Ўзбекистон» 2001. 436 б.
- 15.Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. -Т., «Ўзбекистон» 2001, 437.
- 16.Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. Т-10. -Т., «Ўзбекистон» 2002, 426 б.

II. ҚАРОРЛАР ВА ФАРМОНЛАР.

- I. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни // Халқ сўзи газетаси. 1991 йил 20 ноябрь
- II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги 745-сонли «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар.-Т., «Ўзбекистон»1994 .7-10 бет.
- III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони || Маърифат газетаси, 1997 йил. 2 апрель.
- IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори || «Ўзбекистон тарихи» журнали 1999 йил 1-сон, -Т., «Фан», 15 бет.

АРХИВ МАТЕРИАЛЛАРИ.

V. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви фондлари

- V.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 17-фонд, 1-рўйхат, 397-хужжат.
- V.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 25-фонд, 1-рўйхат, 524-хужжат.
- V.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 58-фонд, 2-рўйхат, 825-хужжат.
- V.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 297-фонд, 1-рўйхат, 10,100, 114-хужжатлар
- V.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 382-фонд, 1-рўйхат, 2444-хужжат.
- V.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 737-фонд, 3-рўйхат, 223-хужжат.
- V.7. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 883-фонд, 3-рўйхат, 124-хужжат.
- V.8. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 1970-жамғарма, 5-рўйхат, 36-хужжат.
- V.9. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 2099-жамғарма, 4-рўйхат, 170, 487-хужжат.
- V.10. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. 2325-жамғарма, 1-рўйхат, 66-хужжат.
- V.11. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви, 2357-фонд, 1-рўйхат, 788-хужжат.

VI. ҚАШҚАДАРЁ ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИ ДАВЛАТ АРХИВИ

- VI.1. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 237-жамғарма, 1-руйхат, 152, 153, 154, 155, 156, 157, 158, 159, 160-хужжат.
- VI.2. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 283-жамғарма, 1-руйхат, 1268- хужжат.
- VI.3. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 285-жамғарма, 1-рўйхат, 1266, 1272, 1273, 1265, 1258, 1325, 1326, 1327, 1328, 1329, 1330, 1331, 1332, 1333, 1334, 1378,

хужжат.

VI.4. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 452-жамғарма, 1-рўйхат, 139, 345-хужжат, 47-варақ.

VI.5. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 466-жамғарма, 1-рўйхат, 65-хужжат.

VI.6. Қашқадарё вилояти Давлат архиви. 450-жамғарма, 1-рўйхат, 524-хужжат

VI.7. Шахрисабз давлат архиви. 126-жамғарма, 1-рўйхат, 13, 14, 15, 21, 22, 26, 27, 28, 31, 41, 47, 48, 49- хужжатлар.

VI.8. Шахрисабз давлат архиви. 246-жамғарма, 1-рўйхат, 1- 2- 4- 5-, ,10- 11-, 18-, 20-, 33-хужжатлар.

VI 9. Шахрисабз давлат архиви, 144-фонд, 1-рўйхат, 10-, 17-, 23-, 30-, 40-хужжат.

VI.10. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 45-жамғарма, 1-рўйхат, 101-хужжат.

VI.11. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 70-жамғарма, 1-рўйхат, 52, 168-хужжат.

VI.12. Сурхондарё вилоят давлат архиви. 361-жамғарма, 1-рўйхат, 2998-хужжат.

VI.13. Денов давлат архиви. 425-фонд, 2-рўйхат, 9, 48, 213 -хужжат.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдушукуров Т. Некоторые проблемы повышение производительности труда в промышленности Узбекистана. –Т.: 1970. 388 стр.
2. Аҳмедов Э.А. Ўзбекистон шаҳарлари. –Т., “Ўзбекистон”. 1991, 220-бет.
3. Асанов Г. Набихонов М. Сафаров И. “Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий жуғрофияси” Т., Ўқитувчи, 1994, 209 б.
4. Бердиев Х. Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавҳалар -Т.1991 й. 70-бет
5. Бердиев Х. Биринчи одам вилояти. -Т., «Нур», 1991. 79 бет.
6. Бичков Д., Блинников А. Сурхондарё области. –Т., «Ўзбекистон», 1970. 62 бет.
7. Валовой Д.В. Тайны арального зала Кремля. –М., 1991. 34,54-бетлар; Политическая история России и СССР ... М., 1991,84-бет.
8. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг Ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик - тараққиёт асоси. Т., 2001. - Б. 143.
9. Горбачев М.С. Октябрь и перестройка: революция продолжается. 1917-1987. – М.: Политиздат, 1987, 60-б.
10. Горбачев М.С. Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 1989. 47 б.

- 11.Захаров С.М. Сабиржанов А.С. Карши. –Т., Узбекистан, 1978. 55 с.
- 12.Зиядуллаев С. Экономические реформы в Узбекистане в действии. - Т., 1994. - С.10.
- 13.Зиядуллаев С.К. Промышленность Узбекистана и основные экономические проблемы её развития. –Т., 1977. С.151.
- 14.Зухритдинов Ш.А. Город комсомольской славы. –Ташкент: Ёш гвардия, 1971. 87 с.
- 15.Каримов Р.Х.Новая экономическая политика в Узбекистане: общее и особенное. // Материалы к симпозиуму. –Т., 1988.
- 16.История Узбекской ССР, Ташкент: Фан, 1968, 584 с.
- 17.Марасулов Ш.Р. Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг ривожланиши. –Т., 1975.
- 18.Мирзаев З. Қобулов Э. Сурхондарёда пахтачилик ва Термиз пахта тозалаш заводи тарихи. -Термиз. 1996. 85-б.
- 19.Мустабид тузумининг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати. Тарих шохидлиги ва сабоқлари. -Т.: Шарқ, 2000. 67 б.
- 20.Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Шарқ-Т.: 2000. 558 б.
- 21.Маврулов А. Культура Узбекистана на современном этапе.-Т.: Фан, 1992.-55 с.
- 22.Мирзаев Ж. Термиз тарихи. Шарқ. -Т.: 2001. 96 б.
- 23.Нишанов М.Н. Обновление духовной жизни нации.-Т.: Фан, 1992.-106 с.
- 24.Расулов Х. Эргашев О. Омманинг ижодий фаолияти ва илмий-техника революцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1973. 150 б.
- 25.Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы жизни, быта строительного дела, ремесла и искусства Старой Бухары. Бухарские записи. –Т., 1982 г.
- 26.Ртвеладзе ЭВ, Аминов М. Сурхондарё. Қомуслар бош таҳририяти. 1996. 220 б.
- 27.Рўзиев А.Н. Сурхондарё вилояти -Т.: Жайхун 1996. 116 б.
- 28.Рўзиев А.Н. ва бошқалар. Сурхондарё сув омборлари ва агросаноат мажмуини ривожлантириш масалалари. -Т., «Жайхун» 1997 й. 113 бет.
- 29.Сурхондарё вилояти Ўлкашунослик музейи 60 йил Термиз: нашриётсиз, 1993.- 38 б.

- 30.Сафаров Ш.Термиз ва Термизийлар -Термиз «Жайхун», 1993 й. 115 бетлар.
- 31.Солиев А. Абдуназаров Х. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг минтақавий муаммолари. –Т., “Фан”, 2007. 131 бет.
- 32.Солиев С. Новый этап социалистического соревнования. –Т.: Узбекистон, 1975, 183 с.
- 33.Термиз. Буюк йўллар чоррахасидаги кўҳна ва янги шаҳар. (муаллифлар жамоаси) -Т.: Шарқ, 2001, 101 б.
- 34.Турсунов С. ва бошқалар. Сурхондарё тарих кўзгусида. -Т.: Шарқ, 2001, 382 б.
- 35.Турсунов С.Н. Денов ёғ-экстракция заводининг тарихидан лавҳалар, Денов. 1992. 60 б.
- 36.Турсунов С.Н. Сурхондарё вилояти тарихини ўрганиш -Т.: А.Қодирий, 1997. 46-б.
- 37.Турсунов С.Н. Термиз йилномаси. –Т., Шарқ, 2001. 128 б.
- 38.Турсунов С.Н ва бошқалар. Сурхондарё тарихи. -Т.: Шарқ, 2004, 605 бет.
- 39.Турсунов С.Н. Шерободликлар. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси. -Т., 2006. 386 бет.
- 40.Турсунов С.Н. Тўхтаев А. Жарқўрғон. –Т., “Фан” нашриёти. 2008. 303-бет.
- 41.Термиз йилномаси. -Т.: Шарқ, 2001. 126 б.
- 42.Тўхлиев Н., Кременцова А. Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедик маълумотнома. -Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2002, 464 б.
- 43.Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. –Т.: Ўқитувчи, 1994, 111 б.
- 44.Ульмасов А. Национализация промышленности в Советском Туркестане. –Т., 1960;
- 45.Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. –Т., “Ўқитувчи”, 2003, 2007. 326 бет.
- 46.Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. 1917-1991 йиллар. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. –Т., “Шарқ”, 2003-2007, 255 бет.
- 47.Халияров Х., Бўчков Д., Блинников А. Сурхандарьинская область. –Т., Узбекистан, 1971. 128 с.
- 48.Чоршанбиев А. Муаммоларни ҳамкорлик билан енгаямиз. // Сурхон тонги. 1995. 11 август.

49. Шакирова С.Н. Социалистическое преобразование ремесленнокустарного производства в Советском Туркестане. –Т., 1978.
50. Ўзбекистон янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлачилиги даврида. –Т., 2000.
51. Ўзбекистон Республикаси. -Т.: Ўзбекистон, 1992, 123 б.
52. Ўзбекистон Республикаси. -Т.: Ўзбекистон, 1993, 159 б.
53. Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. -Т.: Қомуслар бош таҳририяти. 1997, 653 б.
54. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. -Т.: Шарқ, 2000, II к. 681 б.
55. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. II-Жилд. -Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти», 2001, 701 б.
56. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Авторлар жамоаси. -Т., «Шарқ», 2000.
57. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Ўзбекистон тарихи. Авторлар жамоаси. -Т., «Шарқ», 2000.
58. Қобилов Э.О. Сурхондарё саноатининг илк одимлари. Термиз, 1993. 29-б.

Эълон қилинган хужжатлар ва статистик нашрлар

- 1) КПСС в резолюциях..., -М., Политиздат, 1984. -455 с.
- 2) Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965 году. Статистический ежегодник. –Т., Узбекистан, 1964. -431. 392 с.
- 3) Народное хозяйство Узбекской ССР в 1965 году. –Т., Узбекистан, 1966. 431 с.
- 4) Народное хозяйство Узбекской ССР за 50 лет. –Т., Узбекистан, 1967. 330 с.
- 5) Народное хозяйство СССР за волей Москва 1977 г.
- 6) Народное хозяйство Узбекской ССР в 1969 г. Стат ежегодник – Узбекистон. 1970 г.
- 7) Народное хозяйство Узбекской ССР за 60 лет советской власти – юбилейней стат-ежегодник Узбекистон. 1977.
- 8) Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т., Узбекистан, 1987. -334 с.

ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР.

ДИССЕРТАЦИЯЛАР:

1. Ачилов Н. Культурная строительство в Кашкадарьинской и Сурхондарьинской областях. (1946-1958 гг): Дис...канд.ист. наук.-Т., 1974.-337 с.
2. Тўхтаев Абдуғани Қиличович Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация-Тошкент; 2001 йил, 29 бет.
3. Раҳимов Б.С. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (Суохондарё вилояти мисолида 1991-2005 йй.) Тарих фанлари номзоди... дисс. Автореф. –Т., 2008. 28 бет.
4. Турсунов С.Н. История развития новых социалистических городов Узбекистана-Денау и Шарабада. Дисс... канд. ист. наук. –Т., 1985. –С.20.
5. Эргашева Ж. История создания и развития промышленности Кашкадарьи: новые осмысление и выводы (1920-1990 гг). Автореф дисс. канд. ист.наук. –Т., 1998.

6. Қабулов Эшболта Атамурадович, История развития легкой и пищевой промышленности в южных областях Узбекистана в 1946-1960 гг. Опыт и проблемы. Автореф дисс. канд. ист.наук. –Т., 1994. –С. 25.

VIII. ДАВРИЙ МАТБУОТ

Газеталар

1. Ленин байроғи газетаси. 1975. 19авг.
2. Қизил Ўзбекистон. 1947. 12 март.
3. Санъат // 2001. №4.
4. «Сурхон тонги» газетаси материаллари.
5. «Халқ сўзи» газетаси материаллари.
6. «Чағониён» газетаси материаллари.
7. «Ўзбекистон овози» газетаси материаллари.
8. Жарқўрғон ҳақиқати
9. Правда Востока

Журналлар

- I. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1982 йил №7, 1984 йил №12. 1985 йил №8.
- II. “Совет мактаби” Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг ойлик илмий-методик журнали. 1984 йил 8 сон. 1987 йил, 11 ноябрь.
- III. “Фан ва турмуш”, 1970-1990 йиллар
- IV. «Жайхун»: ТерДУ хабарлари, илмий назария ва илмий- услубий журнал. 2004-2008.
- V. Жамият ва бошқарув. Тошент. 2003йил.
- VI. Мулоқот журнали. Тошкент.2005 йил.
- VII. Мозийдан садо. Илмий-амалий маънавий маърифий журнал 1999-2007йил.
- VIII. “Турон тарихи”, ижтимоий-тарихий, илмий ва илмий-оммабоп тўплам. 2008 йил. №3

Термиз давлат университети тарих факультети магистри Исламов Камол Ташқуловичнинг «Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсати (Сурхон воҳаси мисолида 1917-1940 йиллар)» мавзусида Ўзбекистон тарих фани бўйича магистрлик илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация (5A220201-Ўзбекистон тарихи)

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон тарихини ўрганиш, илмий, тарихий, ҳолисона таҳлил этиш ҳамда янги манбалар асосида бўшлиқ жойларни тўлдириш масаласида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Айниқса, ёш илмий тадқиқотчилар томонидан Ватан тарихини ўрганиш борасида жуда муҳим илмий тадқиқотлар олиб борилиб, Ўзбекистон тарихи фанини янги манбалар билан тўлдириш мақсадида катта ижобий ишлар қилинмоқда. Ушбу магистр академик даражасини олиш учун амалга оширилган тадқиқот иши ана шу ижобий ишларнинг биридир.

Тадқиқотчи тарихшуносликда алоҳида аҳамиятга эга бўлган совет даври тарихини ўрганиш, уни илмий ҳолисона тарихий жиҳатдан таҳлил этиш масаласига алоҳида эътибор бериб, Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсати Сурхон воҳаси мисолида 1917-1940 йилларда инқилобий ҳаракатлар жараёнида большевикларни амалга оширган сиёсати, унинг оқибатлари Туркистон халқига нисбатан амалга оширилган миллий камситувчи сиёсат, миллий ғоявий эътиқодларга нисбатан амалга оширилган ҳаракатларнинг мақсад ва натижалари таҳлил этиб берилган. Шунингдек, Сурхондарё совет ҳукуматининг давлат ва жамиятга муносабати таҳлил этилган. Тадқиқот ишида совет ҳокимиятининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий сиёсатининг моҳияти, Сурхондарё халқининг ноҳақ камситилиши, қириб ташланиши, қатағон қилиниши ва унинг асосий йўналишлари мавзуда акс эттирилган. Тадқиқот ишида Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсати Сурхон воҳасида амалга оширилган Октябр инқилобини Ўзбекистондаги мафкуравий ҳолати, миллий қадриятлар ва уни камситувчи ҳолатлар, миллий ва мустамлакачилик сиёсатидан қутилиш учун амалга оширган миллий озодлик ҳаракатлари мисоллар асосида таҳлил этилган. Шунингдек, 1920 йил инқилобига совет тарихшуносларининг муносабатлари, уларнинг асарлари ҳамда бу соҳада илмий тадқиқот олиб борган тарихшунос олимларнинг фикрларида инқилобнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳимоя қилинганлиги таҳлил этилган. Тадқиқотда Сурхондарёда амалга оширилган сунъий иқтисодий ижтимоий ўзгаришларнинг оқибатлари ишчилар ҳокимияти мисолида, ишлаб чиқариш воситаларини миллийлаштириш, саноат корхоналарга рус ва хорижий давлатлар мулкдорларини эгалик қилишга доир ҳужжатлар, деҳқонларнинг турмуш даражаси ва марказнинг

пахтани етиштиришга бўлган муносабати каби масалалар ҳақида қимматли тарихий маълумотлар тақдим этилган.

Тадқиқотчи Сурхондарёда аҳолини умуммажбурий меҳнатга жалб қилиниши, озиқ-овқат сиёсатининг салбий оқибатлари, дастлаб жалб этилган социалистик хўжаликларнинг мақсадлари, унинг ижтимоий оқибатлари алоҳида таҳлил этиб берилган.

Тадқиқот ишида амалга оширилган натижалар билан биргаликда қуйидаги камчиликларга йўл қўйилган. Тадқиқот ишини илмий таҳлили, долзарблиги ва ҳар бир параграфлар тўлиқ илмий хулоса ва изоҳий натижалар билан таққосланмаган. Шунингдек, жумлалар ғализлиги, имловий хатолар ниҳоятда кўпчиликни ташкил этади.

Юқоридаги камчиликларга қарамасдан тадқиқот иши ҳозирги тарихшунослик талаб мезонлари асосида ёритилган бўлиб, ўз мазмуни, илмий-назарий асослари, маънавий даражаси, илмий янгилиги, амалий аҳамияти билан магистр академик даражаси талабларига тўлиқ мос келиб, ҳимояга ижобий тарзда тақдим этилди.

Такризчи:
ТерДУ “Жаҳон тарихи манбашунослик”
кафедраси т.ф.н. доцент:

Т.Р.Пардаев

Термиз давлат университети тарих факультети магистри Исламов Камол Ташқуловичнинг «Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсати (Сурхон воҳаси мисолида 1917-1940 йиллар)» мавзусида Ўзбекистон тарих фани бўйича магистрлик илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация (5A220201-Ўзбекистон тарихи)

Т А Қ Р И З

Ушбу тадқиқот иши мавзуси мукаммал танланиб, шу давргача Ўзбекистон тарихшунослигида Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсати тарихи илмий-назарий жиҳатдан ўрганилмаган. Тадқиқот ишида иқтисодий ва маънавий жараёнларни ўрганиш масаласининг долзарблиги, ҳар бир тарихий даврни босқич мезонларида иқтисодий ва маънавий салоҳияти, инсониятни жамият тараққиётидаги иштирокида ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларининг ўзаро бир-бирига мос келишида ёки зиддиятли бўлишида иқтисодий ва маънавий мезони тарихий ўлчов эканлиги хусусида қимматли маълумотлар келтирилган.

Ушбу иш ниҳоятда тарих фани учун муҳим бўлган, лекин ҳали тарих фанида акс этмаган манбалардан фойдаланиб, уларга танқидий ҳолисона илмий ёндашув асосида ёзилганлиги билан ажралиб туради. Магистр даражасини олиш учун тақдим этилган ушбу ишда Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсатининг тарихий тараққиётдаги ўрни, иқтисодий мезонлари ҳақида ниҳоятда мазмунли манбалар акс эттирилгандир.

Тадқиқотчи Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсати ўз ҳолича, аниқ режа ёки маъмурий тизимга солинмай бошқарилиб, ўз-ўзича табиий ривожланиш босқичи босиб ўтганлигини, зиддиятли, мураккаб, ўзига хос хусусиятларни тарихий манбалар асосида илмий таҳлил этган. Энг муҳими Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсатини белгиловчи омил эканлигини, иқтисодий ва маънавий имкониятлари асосида, ижодий омиллардан фойдаланиб, моддий-маънавий маданиятнинг ривожланишига асосланганлигини кўплаб тарихий манбалар билан тадқиқотчи таҳлил этган.

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда совет ҳукуматини иқтисодий ва маънавий сиёсати жуда катта самарали имкониятлар бўлишига қарамай Сурхон воҳаси иқтисодий ва маънавий жиҳатдан заифлиги, мавжуд имкониятлардан фойдалана олмаганлиги хусусида батафсил илмий тарих маълумотлар баён этилган.

Магистрлик мавзуси ўзининг долзарблиги, илмий янгилиги, манбаларнинг ҳолисона, танқидий баён этилганлиги, ҳар бир мавзуга хос саволлар тўлиқ ҳулосавий илмий мушоҳада этилганлиги билан магистр даражасини олиш учун қайд этилган мезонларга тўлиқ жавоб бериб, ҳимояга ижобий тарзда тақдим этилди.

Илмий раҳбар:

«Жаҳон тарихи ва манбашунсолик» кафедраси

муdiri т.ф.д. профессор:

С.Н.Турсунов